

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
Z.M.BOBUR NOMIDAGI  
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI**

*Кўлэзма хуқуқида*  
*УДК*

**SHAMSUDDINOV BOTIRNING**

**O‘SMIRLIK DAVRIDA O‘QISH FAOLIYATIGA NISBATAN ICHKI  
MOTIVATSIYA SHAKLLANISHINING O‘ZIGA XOSLIGI**

**5A110902 – Psixologiya mutaxassisligi bo‘yicha  
magistr akademik darajasini olish uchun  
DISSERTATSIYASI**

**Ilmiy raxbar:**

**p.f.n., T.G.Suleymanova**

**Andijon-2015**

## РЕЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>2-8</b>
<b>I БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИГА НИСБАТАН МОТИВАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ АХАМИЯТИНИНГ ИЛМИЙ, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.</b>	
1.1. Ўсмирлик даврининг психологик ва физиологик хусусиятлари.....	9-21
1.2. Ўсмирлик даврида мотивация ва билиш фаоллигини шакллантиришда буюк аждодларимиз илмий қарашларидан фойдаланишнинг ахамияти.....	22-25
1.3. Ўсмирлик даврида ўқув фаолиятининг ижтимоий психологик хусусиятлари.....	26-38
<b>II БОБ. ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎСМИРЛАРДА ИЧКИ МОТИВАЦИЯ ФАОЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.</b>	
2.1 Ўсмирлар ички мотивациясининг билиш фаоллиги ва ижодий тафаккур билан уйғунлиги.....	39-42
2.2. Ўқув мотивлари ва уларнинг психологик хусусиятлари.....	43-54
2.3.Ўқув жараёнида мустақил ишлар орқали ўсмирларни ички мотивациясини шакллантириш.....	55-58
<b>БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....</b>	<b>59</b>
<b>III - БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ИЧКИ МОТИВАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ.</b>	
3.1. Ўқув фаолияти ва ички мотивацияни ўрганиш усуллари ва бошланғич тажриба натижалари.....	60-63
3.2.Олинган натижаларни таққослаш , психологик таҳлили ва умумлаштириш.....	64-66
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>67-68</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>69-71</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>72-81</b>
<b>Кириш.</b>	

Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида катта ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Хар бир даврда у ёки бу мамлакатда айрим шахслар томонидан шундай ижтимоий психологик аҳамиятга эга ўлган фикр, ғоя, назария, концепциялар илгари сурилган ва амалга оширилганки, шулар туфайли давлат ва халқлар раванқ топган, баъзида тушкунликка учраган. Ана шу ижтимоий психологик таъсир этувчи ғояларни хар томонлама чуқур ўрганиш, тахлил этиш, улар орасидан умумбашарий аҳамиятлиларини ажратиб олиб хозирги даврга, яъни ҳаётга татбиқ этиш ниҳоятда ҳам амалий, ҳам назарий муаммолардан биридир, чунки уларда кўп йиллик тажриба мужассамлашган.

Инсоният евалютсияси давридан инсон ва унинг табияти, рухияти ўрганилмокда, лекин инсоннинг айрим сифатлари хали ханўз тула ўрганилгани йук. Асримизнинг бошларидан бу ишлар йанада долзарблашди. Хозирда йуртимизда ҳам бу борада илмий ишлар олиб борилмокда.

#### **Илмий татқиқот ишининг долзарблиги:**

Жамият тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида юксалиш билан характерланади. “Кадрлар тайёрлш миллий дастури”ни амалга оширишда мавжуд таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнинг ҳамма босқичларида, ўзлуксиз таълим тизими, таълим муассасаларининг ҳамма шакл ва турларида илғор методик тажрибаларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок хар бир соҳани тубдан ислоҳ қилиш ишлари амалга ошрилмокда. Республикамиз миқёсида таълим ва тарбия ишларини такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига чиқариш, фан соҳасидаги янгиликларни амалий ҳаётга татбиқ этиш муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилмокда. Айниқса ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларда фан асосларига нисбатан кўникма, малака, билимларни

шакллантириш давлат сиёсатининг устивор вазифаларидан ҳисобланади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ишлаб чиқилиши фикримизнинг яққол исботидир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” “Таълим тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, миллий тажрибани таҳлил этиш ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий касб-ҳунар маданиятига, ижтимоий ижодий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри олиш, маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларни илгари суришга, ҳал этишга қодир бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида янги ижтимоий муносабатларга эркин кириша оладиган, умуминсоний қадриятларни эътироф этадиган, маънавий қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаш долзарб муаммолардан саналади. Ўзбекистон Республикасида таълимий ислохотлар ва таълим- тарбиявий муносабатларининг ёш даврларга хос шаклланиши, аҳолининг ижтимоий психологик саводхонлиги, фаоллигини жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Бу ислохотларнинг муваффақияти пировард натижасида нафақат ҳукуматнинг саъи-харакатига, балки аҳоли томонидан онгли равишда қабул қилинишга боғлиқ бўладики, бунда таълим тизими муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, жамиятимизнинг янгилааниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган бир даврда ислохотларимиз, режамиз самараси ва тақдири буларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охиروқибат барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалавериши бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачарок айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ» деб айтган

сўзлари барча сохалар учун устувордир. Шу ўринда таълимнинг ислох қилишда ҳар бир ёш давридаги билиш жараёнлари ва айниқса ўсмирлик даврида билиш фаоллигини шакллантириш таълим ислохотларини жаддалаштиришга хизмат қилиши керак. Ижтимоий онг ва ижтимоий фаоллик, саводхонлик натижасида ўсмирлар онгида миллий онг, миллий кадриятларга ҳурмат, ўзаро ҳамкорлик, қардошлик, дўстлик ва бошқа кўплаб тушунчаларни оилада, таълим муассасаларида сингдириб борилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ҳозирги даврда фуқороларнинг онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат каби тушунчаларни сингдириш, уларни келажакка ишонч, буюк давлатнинг муносиб фарзандлари қилиб камол топтириш замон талабидир. Шу ўринда бу вазифаларни ўсмирлик даврида ривожлантириш ва уларни таъсир даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаий назардан биз Илмий тадқиқот ишимизда ўсмирлик ёшдаги болалар билиш фаоллигини ривожланиши ва уларнинг ўқув фаолиятидаги асосий компонентларнинг шаклланиши нималар таъсирида амалга ошишига эътибор бердик.

Ўсмирлик даври ўзининг физиологик, психологик ва ақлий ривожланиши билан бошқа даврлардан кескин фарқланиб туради. Ўсмирлик даврида юқори билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун ўқув-билув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуасига ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига нисбатан ички мотивациясини шаклланиши борасидаги масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмирлик даврида ўқув фаолиятига нисбатан ички мотивацияни шакллантириш ўсмир ёшидаги ўқувчи билан фаолият олиб бораётган педагогларнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Мотивацияни ўқитувчи томонидан тўғри шакллантирилиши таълим жараёнида ўқувчининг ижодий ва мустақил равишда билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришини таъминлайди.

**Илмий тадқиқот ишининг объекти :** Ўсмирлик даври ўқувчиларининг ўқув фаолиятига нисбатан ички мотивацияси шаклланиш жараёнларининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш.

**Илмий тадқиқот ишининг предмети :** Ўсмирлик даври ўқувчиларининг ички мотивациясини шакллантиришнинг мазмуни, ижтимоий психологик педагогик омиллари, усул ва воситалари.

**Илмий тадқиқот ишининг мақсади :**

Ўсмирлик даври ўқувчиларининг ўқиш фаолиятига нисбатан ички мотивацияси шаклланишининг ижтимоий психологик омилларини аниқлаштириш ҳамда ўсмирлик даври шароитида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига нисбатан ички мотивациясини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бу мақсадга эришиш йўлида куйидаги вазифаларни хал қилиш кўзда тутилган:

**Илмий тадқиқот ишининг вазифалари :**

1. Мавзу бўйича илмий адабиётлар ва оммавий ахборот воситалари материалларини таҳлил этиш;
2. Мотив ва мотивация тушунчалари мазмун моҳиятини тавсифлаш;
3. Ўсмирлик ёши даврида ўқиш фаолиятига нисбатан ички мотивацияни шакллантиришнинг ижтимоий психологик омилларини аниқлаш;
4. Ўсмирлик ёши даврида ички мотивация шаклланишининг психологик усул ва воситалари тавсифини ёритиш ;
5. Ўсмирлик ёши даврида ўқиш фаолиятига нисбатан ички мотивацияни шакллантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
6. Олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлиллар асосида илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
7. Мавжуд қўлланилган тадқиқотлар усулларини модификациялаш ва янги методикалар ишлаб чиқиш.

**Илмий тадқиқот ишининг илмий янгилиги :**

- Биринчи маротаба ўсмирлик даври ўқув фаолияти ва билиш фаоллигини шакллантириш жараёнини амалий таҳлил қилиш

усулларини психодиагностик, психокоррекцион, психологик маслаҳат ва психологик маориф асосида илмий – амалий ёндошилади.

- Болаларни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш ва ўз-ўзини англаш хусусиятларини ривожлантириш имкониятлари кенгайди.
- Ўсмирлар етакчи фаолиятида ўқув фаолиятининг асосий омил эканлиги ва билиш фаоллигини ривожлантириш усулларини танлашнинг илмий – амалий тизим сифатида долзарб муаммолари ечим топишга ҳаракат қилинади. Республикамиз ва чет эл олимларининг билиш фаоллигини ошриш ва такомиллаштириш ҳақида қарашлари изоҳланади.

#### **Илмий тадқиқот ишининг илмий фарази:**

- Ўсмирлик даврида ўқиш фаолиятига нисбатан ички мотивацияни шакллантиришда куйидаги ижтимоий психологик омиллар ўрганилган ҳолда таълим –тарбиявий ишлар ташкил этилса :
- - ўсмирлик ёши даври ўқувчиларида ўқиш фаолиятига нисбатан ички мотивациясини шакллантириш ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларига асосланган бўлса ;
- - ўсмирлик ёши даври ўқувчиларида ўқиш фаолиятига нисбатан ички мотивацияни шакллантиришда кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантирилишига эътибор қаратилса (пастдан юқорига);
- - ўсмирлик ёши даври ўқувчиларининг синф ва синфдан ташқари тарбиявий ишларини ташкил этилишида ўқитувчи томонидан ноанъанавий таълим усул ва воситалар қўлланилиши асосида ташкил этилиши вазиятлари қўлланилса.

#### **Илмий тадқиқот ишининг ўрганилганлик даражаси.**

Ўсмирлик даврида ўқув фаолияти хусусиятлари, жумладан ички мотивация шаклланиши муаммоси М. Давлетшин, Б. Қодиров, Э.Ғозиев, Р.Суннатова, Р.Тошимов, Л.Назирова, С.Иноғомова, З.Нишонова, Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, В.В.Давидов, Е.Н.Кабанова–Меллер, Д.Б.Эльконин,

П.Я.Гальперин, А.А.Люблинская, Н.Ф.Тализина, А.В.Усова, А.А.Матюшин, Т.С.Сухобскаяларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқод ишининг мавзуси бугунги кунда долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисобланганлиги учун бир қатор олимларимиз, тадқиқотчиларимиз мазкур мавзу юзасидан изланишлар олиб борганлар ва бормоқдалар. Жумладан профессор Э.Ғ.Ғозиев, Р.Тошимовлар томонидан яратилган «Фаолият ва ҳулқ атвор мотивацияси» услубий қўлланмаси, профессор Э.Ғ.Ғозиев томонида яратилган «Тафаккур психологияси», Ф.Хайдаров томонидан яратилган «Ўқув мотивлари» номли ўқув қўлланмалари ўсмирлик даврини ўқув фаоллиятини такомиллаштириш ва билиш фаоллигини шакллантиришга хизмат қилади.

**Илмий тадқиқот ишининг методологик асоси:** – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисидаги Қонун”, ғарб ва шарқ психологларининг қарашлари мажмуаси. Психологик тадқиқот назариялари ва илмий услубий психологик тавсиялар. Илмий ишимизни ёритишда детерминизм, онг ва фаолият бирлиги ва онгни фаолиятда тараққиёт тамойиллари, буюк психологлардан Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьевларни назарий ғоялари илмий тадқиқотимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

**Илмий тадқиқот ишининг методи :**

Эмпирик, ва ташкилий методлар. Ривожлантирувчи ва шакллантириувчи методлар, шахсни ижтимоий психологик ҳимоя қилувчи метод ва психодиагностик, психопрофилактик, психокоррекцион методлар. Шунингдек МАТТ тести, Қизиқишлар харитаси методикаси(Э.Ғ.Ғозиев), Векслернинг вербал ва новербал методикалари, Люшер методикасини мослаштирилган варианты. Бундан ташқари индивидуал фаолият шаклини аниқлайдиган фаолиятга муносабати, нормал эмоционал фаоллигини аниқлайдиган методлар, суҳбат, анкета, шахсий варақаларини ўрганиш ва бошқа методлардан иборат.



**Илмий тадқиқот ишининг назарий аҳамияти:**

Ўсмирлик даври ўқув фаолияти ва билиш фаоллигини ривожлантириш усуллари ишлаб чиқилади, касб - ҳунар ҳунар коллежи ва бошқа таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда уни психодиагностик, психокоррекция, психологик маслаҳат каби билимлар назарий жиҳатдан бойитилади,

**Илмий тадқиқот ишининг амалий аҳамияти:**

Билиш фаоллигини ва билиш жараёнларини тадқиқ этиш орқали ёш даврларда бу жараённи шаклланиши ва тараққий этишини психологик қонуниятлар асосида тушуниш имкониятлари ошади. Психологик муҳофаза омилларини қарор топтириш орқали шахс фаолияти ва фаоллигини оширишга қўмаклашувчи психологик қонуниятлар асосида асосий йўналишларини ва бугунги долзарб вазифаларни аниқлашга имкон беради. Ўсмирлик ёш даври психик хусусиятларини ривожлантиришда ва уларнинг билиш фаоллигини тараққиётидаги асосий детерминанти ва тадқиқот усуллари қўлланиш имконияти яратилади.

**Илмий тадқиқот ишини оммалаштирилиши:**

Илмий-тадқиқот иши бўйича олинган натижаларнинг асосий қисми Андижон давлат университети Педагогика факультети, “Психология” ва “Педагогика” кафедралари илмий-услубий семинарларида муҳокама қилинди. Тажриба мактаб педагогик кенгашларида ҳамда диссертациянинг чоп этилган ишларида баён этилган.

**Илмий тадқиқот ишининг тузилиши:** Диссертация 3 боб 8 бўлим хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **I БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИГА НИСБАТАН МОТИВАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ АХАМИЯТИНИНГ ИЛМИЙ, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

## **1.1. Ўсмирлик даврининг психологик ва физиологик хусусиятлари.**

Ўсмирлик ёшининг классик тадқиқотида назар солсак, унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Ўсмирлик ёшига хос ёрқин Психологик концепциялардан бири XX асрнинг бошларида Л.С.Виготский (1930) томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда мазкур ёш симптоматикаси, ўсмир психологиясидаги барқарор ва тарихий ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепцияларнинг интерпретацияси берилган. Л.С.Виготский таълим ва тараққиётнинг ўзаро масаласини кўриб чиқди. Бунда у қуйидаги вазиятни келтириб чиқарди. Болага психик ҳаётидаги қийин шакллар мулоқот жараёнида шаклланади, демак мулоқот нисбатан тизимлаштирилган шаклда – ўқитишда ривожланишни шакллантиради, янги психик маълумотларни вужудга келтиради, олий психик функция такомиллаштирилади. Таълим психиканинг шаклланишида муҳим рол эгаллаб, унинг шакллари эса ривожланиш жараёнида ўзгаради.

Олим шуни кўрсатиб ўтадики, ҳар қандай таълим ҳам эффектив бўлавермайди. Қайсики тараққиётдан илгарилаб ва ўзининг орқасидан эргаштира олсагина, эффектив самара беради. Ривожланаётган таълим нафақат мустақил фаолият жараёнида, актуал ривожланиш соҳаси, боланинг ўзи кирадиган балки, у катталар билан ҳамкорликни яқин ривожланиш соҳасини ҳисобга олган Л.С.Виготскийнинг бу фикри ҳозирги кундаги боланинг ақлий ривожланишини мукаммаллаштиришга интилаётган ўқитувчилар учун катта аҳамиятга эга.

С.Холл (1940) ўзининг рекапитуляция назариясида ўсмирлик ёши инсоният ривожланиш тарихининг романтик эпохасига тўғри келиб, болалик билан катталиқ орасидаги босқич эканлигини таъкидлайди. У ўсмирнинг характерида парадоксаллик ва амбивалентлик ҳолатларини изохлаб, уларнинг фаолиятларида ўта фаоллик ҳукмронлик қилишига

этиборни қаратиб, уларда шодлик ўрнини қайғу, ўзига ишончни тортинчоқлик, худбинликни альтруизм, маънавий интилувчанликни паст қўзғалувчанлик, мулоқотмандлик истагини писмиқлик тезкор ўрин алмашиши билан ифодаланишини ўзини ўзи англаш кризиси билан боғлайди. Яъни, уни енгиб ўтиш «индивидуалликни хис этиш»га сабаб бўлишини исботлайди. Ўсмирлик даврининг йирик тадқиқотчиларидан яна бири немис файласуфи ва психологи Э.Шпрангер (1924) ўсмирлик ёши қизларда 14-21 ва ўғил болаларда 13-19 ўсмирлик давридагача давом этиб, унинг биринчи босқичи 14-17 ўсмирлик давридага тўғри келиб, бу ёшда болаликдан қутулиш содир бўлишини изохлади. У ўзининг ўсмирлик ёшининг маданий-психологик концепциясида ривожланишнинг уч типи мавжудлигини ажратади.

*Биринчи тип*-кескин, кризисли, шиддатли кечади ва ўсмир ўзининг иккинчи туғилишини хис этади, оқибатда янги «Мен» вужудга келади.

*Иккинчи тип*-ўсмирнинг катталик хаётида босиқлик, сокинлик, ўзлуксизлик сезилиб, унинг шахсиятида чуқур ва жиддий ўзгаришлар рўй бермайди.

*Учинчи тип*-бу риволаниш жараёнининг шундай босқичики, ўсмир ўз ички кечинмалари ва кризисларини матонат билан енгиб, ўзини фаол англаган ҳолда шакллантиради ҳамда тарбиялайди. Шундай қилиб, Э.Шпрангер мазкур ёшнинг ташкил этувчилари ўз индивидуаллигини англаш, рефлексиянинг вужудга келиши, «Мен»нинг очилиши эканлигини исботлаб, ўсмирнинг дунёқарашларини, қадриятларини, ўзини ўзи англашини ўрганишнинг систематик тадқиқотига асос солди.

Ўсмирлик ёшини пубертат давр деб атаган Ш.Бюлер ўз ишларида ушбу даврнинг биологик мохияти очиб берилган. Пубертат давр бу биологик ўсиш даври бўлиб, жинсий етилиш ўз нихоясига етади аммо жисмоний ривожланиш давом этади. У пубертат даврдан олдинги босқични инсоннинг болалик, ушбу даврнинг тугашини ўсмирлик деб атайди. Ш.Бюлер пубертат даврни иккига: психик ва жисмоний даврларга ажратади. Ўсмирнинг етилишига таъсир этувчи ташқи ва ички қўзғатувчилар ундаги

Ўзидан ўзи қониқиши ва хотиржамлигини издан чиқариб, уни ўзга жинсни кидиришга ундайди. Биологик етилиш уни изланувчан қилиб қўяди ва унинг «Мен»ида «У» билан учрашиш истаги туғилади. Яъни Ш.Бюлер психик пубертатликни танадан фарқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, жисмоний етилиш ўғил болаларда ўртача 14-16 ёш, қиз болаларда 13-15 ўсмирлик давридага тўғри келади. Албатта, бундай фарқлашларда шаҳар ва қишлоқ, алоҳида мамлакатлар ва хатто иқлимнинг таъсири ҳисобга олинади. Пубертатликнинг қуйи чегараси 10-11 ёш, юқори чегараси 18 ёш бўлиши керак. Ушбу даврнинг негатив хусусиятлари сифатида ўсмирнинг уришқоқлиги, инжиқлигини ифодаловчи жисмоний ва рухий толиқиш, нотинч, осон қўзғалувчи ҳолат, юқори сезувчанлик ҳамда қўзғалувчанликни кўрсатади. Ўсмирларнинг ўзларидан қоникмасликлар аста атрофдагиларидан ҳам қоникмасликларига сабаб бўлиб, бошқача тус интилишлари билан уйғунлашади ва турли салбий фикрлар шаклланишига олиб келади. Яъни, ўсмирларда «суст меланхолия» ва «тажовўзкор химоя» шаклланади. Мазкур даврнинг ижобий хусусиятларидан бири тарзида қандайдир гўзалликнинг анланган кечинмаларини, мухаббат туйғусини мисол қилиб келтиради. Демак, Ш.Бюлернинг илмий уринишлари пубертат ёшни органик етилиш билан психик ривожланишнинг уйғунликда кечишини кўрсатишга қаратилгандир. Ш.Бюлернинг изланишларига таянган Г.Гецер пубертат давр салбий босқичининг 13-16 ўсмирлик давридаи оралиғида ўй-хаёлларга берилиш, яқин дўстга эҳтиёж сезиш ва «дўстни ишлаш»га уринишда ижобий босқичга ўсиб ўтишини таъкидлайди.

Э.Шпрангернинг издошларидан бири В.Штерн ўсмирлик ёшини шахс шаклланишининг асосий босқичларидан бири деб қарайди. В.Штерн «Дўстингни кўрсатсанг, кимлигингни айтаман» деган нақлга «Хаётингдаги энг қимматли кечинмангни айт, мен сенинг кимлигингни айтаман» деган маъно бериб, уни изохлашга ҳаракат қилади. Чунки ўсмир хаётининг мазмунини ташкил этувчи кечинмалар таъсирида унинг шахси шаклланади, қимматга эга кечинмалар эса унинг шахсини типларга ажратишга ёрдам беради. Шу тариқа В.Штерн олтига типни ажратади:

- а) назарий тип-шахснинг барча интилишлари борлиқни англашга қаратилади;
- б) эстетик тип-бундай шахс учун объектив борлиқни англаш ёт бўлиб, у индивидуал танланганликка эга;
- в) иқтисодчи тип-бундай шахснинг саъй-ҳаракатларидаги шоири кўпроқ фойда (натижа)га қаратилган бўлади;
- г) ижтимоий тип-ҳаётининг мазмунини муҳаббат, муомила ва ўзгалар учун яшаш ташкил этади;
- д) сиёсий тип-бундайлар учун мансабга интилиш, таъсир ўтказиш ва буйруқ бериш хосдир;
- е) диний тип-ҳар қандай воқеани ҳам ҳаётнинг ва дунёнинг моҳияти билан ҳаспўшлашга уринади.

В.Штерннинг фикрича, ўтиш даври нафақат идеал ва интилишлар, хислар ҳамда фикрларнинг йўналганлиги, балки ҳаракатларнинг ўзига хос сиймоси (образи) ҳамдир. У буни болаликнинг ўйинлари билан катталиқнинг масъулиятли фаолияти оралиғидаги ҳолат деб атаб, унга «жиддий ўйинлар» деб ном беради. Жиддий ўйинлар ўсмирнинг мақсад қўйишига, турли қизиқишларга ўз муносабатини билдириши ва қиёсий таҳлил қилишидаги иккиланишларини бартараф этишида ҳамда уни иродасининг мустаҳкамланишига имкон беришини таъкидлайди.

Шундай қилиб, ўсмирлик ёшининг классик тадқиқот даври ХХ асрнинг бошларида болалар психологиясининг мустақил фан сифатида ривожланиш босқичига тўғри келаб, энг қийин психологик ёш деб тан олинди ва ўсмир шахси ривожланишидаги ҳар қандай ўзгаришлар тадқиқотчилар томонидан жинсий етилиш жараёни билан боғлаб тушунтирилади.

Бундан ташқари тадқиқот ишининг ўрганиш жараёнида шунингдек Ё.Абдуллаевнинг «Ўзбекистонда ижодий таълим ва билиш фаоллиги уйғунлиги» (2004) Т.Жураевнинг «Ўсмирларда янгича ижодий фаоллигини шакллантириш» (2005 йил) номли мақолаларидан фойдаланилди. Шу билан бирга мазкур мавзу бўйича қуйидаги бакалавр ва магистрларнинг тадқиқот

ишлари билан танишим чиқилди. Жумладан Н.Х.Комилованинг «Ўқувчи ўсмирлик даврида билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари» (2005 й.) номзодлик диссертацияси, Ф.С.Гайировнинг «Ўсмирларда ижодий фаоллигини шакллантириш усуллари» номли магистрлик диссертацияси 2005 й. билан танишган холда тадқиқот ишлари ўсмирлик даврида ўқув фаолиятининг психологик хусусиятлари ва уларнинг билиш фаоллиги юзасида фикр мулохазалар берилган. Улар ўсмирлардаги билишга кизикишнинг фаоллик билан боғлиқ томонларига ва ўзига хос томонларига камроқ этибор берганлиги сабабли, биз ўз мавзуимизда айнан мана шу хусусиятларни психологик асосларини ёритишга қаратдик.

Ўсмирлик – болалиқдан катталиққа ўтиш даври бўлиб, физиологик ва психологик жихатдан ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва психик тараккиёти жуда тезлашади, хаётдаги турли нарсаларга кизикиши, янгиликка интилиш ортади, характери шаклланади, маънавий дунёси бойийди, зиддиятлар авж олади. Ўсмирлик балогъатга етиш даври бўлиб, янги хислар, сезгилар ва жинсий хаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади.

Булар таъсирида ўсмирнинг характери, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир булаётган воқеаларга муносабати тез ўзгариб боради. Баъзан ижтимоий масалалар тўғрисида нотўғри тасаввур ва янгилик фикрлар хосил бўлиши туфайли у муайян тартиб-қоидаларга танкидий кўз билан қарайди. Ўсмирда психик жараёнларнинг кескин ўзгариши билан аклий фаолиятида ҳам буришлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда, ўқувчи билан ўқитувчи мулоқотида, катталар билан ўсмирларнинг муомаласида қатъий ўзгаришлар жараёнида қийинчиликлар пайдо бўлади. Булар аввало таълим жараёнида рўй беради. янги ахборот, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониктирмай кўяди. Хўш, ўсмирларнинг психик ўтишини харакатга келтирувчи куч нима? Ўсмирнинг психик ўсишини харакатга келтирувчи куч - унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эхтиёжлар билан уларни

кондириш имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар тизимининг намоён бўлишидир. Вужудга келган зиддиятларни психологик камолотини таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста-секин йўқотиш мумкин. Хозирги ўсмирлар ўтмишдошларига нисбатан жисмоний, аклий ва сиёсий жihatдан бир мунча устинликка эга. Уларда жинсий етишиш, ижтимоийлашув жараёни, психик ўсиш олдинрок намоён бўлмокда.

Хар бир ёш даврида психологик янгиланишлар, физиологик ўзгаришлар ҳамда ижтимоий мослашиш каби мураккаб жараёнлар содир бўлади.

Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ўсмирлик ёши 10–11 ёш, 14–15 ёшни ташкил этади. Кўпчилик ўқувчиларда ўсмирлик ёшидаги ўтиш асосан мактаб даврининг мураккаб бўлган 5 – синфига тўғри келади. Энди у бола эмас лекин хали катта ҳам эмас. Ушбу формуланинг ўзи бу даврнинг қанчалик мураккаб эканлигини англатади бу ёшда ўсмир ривожда кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар юқорида айтганимиздек, физиологик ҳамда психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва у билан боғлиқ равишда барча аъзоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши хужайра ва организм тўзилмаларининг қайтадан шакиллана бошлашидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу даврда ички секреция безларидан бири “ г и п о ф и з ” безининг функцияси фаоллашади. Унинг фаолияти организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секреция безларининг яъни колконсимон без, буйрак усти, ошқозон ости, жинсий безлар ишини кучайтиради. Натижада бола бўйининг ўсиши тезлашади, жинсий балоғатга етиш жараёни амалга оша боради (иккиламчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши).

Ўсмирлар ўзларини катталадек тутишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг қобилият ва имкониятларини маълум даражада ўртоқлари ҳамда устозларига кўрсатишга интиладилар. Бу ҳолатни мактаб ўқитувчиси кундалик дарс жараёнида кўзатиши мумкин.

Ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсмирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб камолга етиш йўлларини ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларни бевосита таъсирини ҳамда аҳамиятини тушунишимиз мумкин. Бу даврда ўсмир бахтли болалик билан хайирлашган лекин, катталар ҳаётида хали ўз ўрнини топа олмаган мураккаб ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам, ўсмирлик даври “Ўтиш даври”, “Инқироз даври” (кризис), “Қалтис давр”, “Қийин давр”, “Балоғат даври” каби номларни олган психологик кўринишлар билан характерланади. Ўсмирлик дарида катталарга нисбатан агрессив муносабатнинг пайдо бўлиши, негативизм сингари нохуш хулқ атвор аломатлари ўз-ўзидан келиб чиқадиган бевосита жинсий етишлиш туфайли пайдо бўладиган белгилар бўлибгина қолмай, балки уларга билвосита таъсир кўрсатадиган ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар воситаси орқали: унинг тенгдошлари, жамоадаги мавқеи, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласидаги ўрни сабабли юзага келадиган характер белгиларидир. Ўсмирлик даврида етакчи фаолия – бу ўқиш, мулоқат ҳамда меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқатининг асосий вазифаси бу дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларни аниқлаш ва эгаллашдир. Ўсмирлар мулоқатининг асосий хусусияти шундан иборатки у тўла ўртоқлик кодексига бўйсунди.

Ўсмирлар катталарнинг уларга билдирадиган ишончларига катта эҳтиёж сезадилар. Катталарнинг ўсмир ёшдагиларга таъсир кўрсатиш, тарбия бериш учун энг қулай шароит бу умумий меҳнат билан шугулланишидир. Агар кичик ёшдаги болалар ёрдамчи бўлиш ролларидан қониқсалар, ўсмирлар айниқса ўсмирлик давридаги болалар катталар билан тенг равишда фаолият кўрсатаётганларидан, лозим бўлганда уларнинг ўрниларига ҳам ишлай олишларидан қониқадилар.

Ўсмирда рўй берадиган биологик-жисмоний ўзгариш натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади. Бўйга ўсиш бир текис бормади: киз-болалар 5-7 см ўссалар, ўғил болалар 5-10 см



ўсадилар. Бўйига қараб ўсиш пайсимон илк суякларнинг ўзунлашиши ва умуртқа қисмининг катталашиши ҳисобига рўй беради. Оғиз бўушлиги ва халқумдаги ўзгаришлар оқибатида товуш тембри ҳам ўзгаради. Бу ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан кўпроқ даражада содир бўлади. Ўғил болаларнинг товуши вазминрок бўлиб қолади, дўриллайди. Гарчи бу даврда мўшаклар тез суръат билан ўсса ҳам, мустахкамлашса ҳам, лекин барибир оёқ ва қўл суякларининг ўсиш суръати орқада қолади. ўсмирларда бу хусусият уларнинг бесунақай хатти-харакатларида, юриш-туришларидаги кўполликка, катта-катта одим ташлашларига сабаб бўлади.

Кўкрак кафаси ҳам гавданинг бўйга ўсишига нисбатан секин ривожланади. Бунинг натижасида айрим ўсмирларнинг елкаси, кўкраги тор бўлиб қолади, бу эса ўз навбатида кислород етишмаслигига, нафас кисишига олиб келади. Кислород етишмаслиги натижасида рухий фаолиятга путур етади.

Ўсмир ўзининг қобиляти ва кучини тўғри баҳоламай туриб, мураккаб ҳаётий масалаларни ҳал ҳилишга уринади, аммо фикр юритиш қобиляти юзаки бўлганлиги сабабли кундалик ҳаётида қатор камчиликларга йўл қўяди. Лекин у ўз хатосини тан олишдан кўра катталар билан бахслашишни афзал кўради. Танқид қилган кишиларни ёқтирмайди, ҳар бир танқид гуёки уни менсимаслик белгиси, атайин қилинаётган иш бўлиб кўринади. Бунинг натижасида ўсмирнинг психик фаолиятида салбий ўзгаришлар юзага келади. У мустақил, ўзбошимчалик билан иш тутишга уринади, катталарнинг маслахатига эътибор бермайди. Айрим ўсмирлар ўзининг катталар сафига кўшилганлигини намойиш қилиш учун турли хил одатларга ўргана бошлайдилар. Ота-оналар ва педагоглар ўсмирлар билан алоҳида ишлаб, уларнинг кўнглини топиши ва хатти –харакатларини ўз вақтида тўғри йўлга солишлари лозим.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътикод, принцип, ўзлигини англаш, баҳолаш қабилар шаклланадиган давр ҳисобланади. Ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътикод ва шахсий нуктаи назари асосида ташкил қила

бошлайди. Улар шахсини таркиб топширишда унинг атроф мухитга, ижтимоий ходисаларга, кишиларга муносабатини ҳисобга олиш лозим.

Психологлар ўтказган тадқиқотлардан кўринадикки, ўсмирларнинг кўпчилигини қатъиятлик, камтарлик, мағрурлик, самимийлик, дилкашлик каби маънавий, ахлоқий тушунчаларни тўғри англайди. Уларнинг турмуш тажрибасида фан асосларини эгаллаш натижасида барқарор эътиқодий ва илмий дунёқараш таркиб топади, шулар замирида ахлоқий идеаллар юзага кела бошлайди.

Ўсмир ўғил-қизлар шахсининг камол топишида ўзини англаш жараёнида ўзига баҳо бериш майли ва истаги ўзини бошқа шахслар билан таққослаш, ўзига бино қўйиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Булар эса ўсмирнинг психик дунёсига ақлий фаолиятига, теварак-атрофга муносабатнинг шаклланишига таъсир килади. Ўсмирлик ёшида психологик жihatдан энг муҳим хислат - вояга етиш ёки катталиқ хиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталиқ хисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолиятда, қизиқишда, муносабатда, кунгил олиш жараёнида, ҳулк-атворнинг ташки шаклларида ўз ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи ва қуввати, чидамлилиги ортаётганини, билим савияси кенгаётганини англай бошлайди.

Ўсмирлик даври хусусиятларини талқин қилган П.И.Левентуев, Д.Б.Эльконин, Т.В.Драгуновнинг таъкидлашича, ўғил ва қизларнинг бу ёшда ўртоқлари билан муносабатларга интилиши, тенгдошлари жамоасининг ҳаётига қизиқиши ёрқин намоён бўлади. Ўсмирларнинг жисмоний усиши ва жинсий етилиши уларнинг психикасида кескин ўзгаришларни вужудга келтиради. Ўқув фанларнинг кўпайиши, ахборотлар маълумотлар тармоғининг кенгайиши уларнинг фикр юритишини шакллантиради.

Ўсмир ўқувчилар ўрганаётган фан асослари уларнинг мавҳум тафаккурини ўстиришга қаратилади. Уларнинг ақлий фаолияти хусусиятларидан бири - мавҳум тафаккурининг ривожланишидир. Мактаб таълимини ва мустақил билим олиш фаолияти таъсири остида ўсмирда аналитик-синтетик фаолият жадал суръат билан ривожлана бошлайди.

Ўсмирнинг энг мухим хусусиятлардан яна бири мустақил фикрлаш, ақлнинг танқидийлиги тез ривожланишидир. Бу эса ўсмирнинг ақлий фаолиятида янги давр бошланганини билдиради. Ақлнинг танқидийлиги айрим ҳолларда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида «англашилмовчилик ҳови»ни вужудга келтиради. Ақлнинг танқидийлиги ўсмирнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, ўзгалар мулоҳозасидан, дарсликдан хато ва камчиликлар топишга, ўз гапида туриб, айрим фикрларга катъий эътироз билдиришга уриниб ва бахслашишига мойил бўладилар.

Тафаккурнинг мустақиллиги инсон учун катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи дарс жараёнида ва дарслардан ташқари вақтларда, ҳар қандай оғир шарт-шароитларда ҳам турли усуллар билан бу хислатни қўллаб қувватлаши, унинг ривожланиши учун имконият яратиши керак.

Ўсмирларнинг ҳулқига доимий эътибор бериш, унинг ҳулқига қатъий, ўзлуксиз раҳбарлик қилиш, буларнинг ҳаммасини шундай амалга ошира билиш керакки, бола майда-чуйда ишларида ҳам катталарни доимий васийлигини сезмасин. Ўсмирлар унинг ҳаётдаги янги мавқелари билан ҳисоблашадиган, уларни “кичкина” деб ҳисобламайдиган, талабчан, лекин адолатли ўқитувчиларни ҳурмат қиладилар.

Ўсмирликда қизиқишлар турли-туман бўлади. Бу қизиқишлар тўғри тарбияланса, улар ўсмирларнинг қобилиятлари ва майлларининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўқувчининг билимлари чуқурлашиб боради, у фанларни ўргана бошлайди, унда айрим ўқув предметларига, санатга, спортнинг қайсидир турига зўр қизиқиш ортади. Ўсмир жуда кўп нарсаларга; спорт, туризм, кино-театр, бадий ҳаваскорлик, почта маркаларинива қадимий тангаларни йиғиш, ўсимлик ва ҳашоратлар коллекциясини тўплашга қизиқади.

Кўп ҳолларда бу қизиқишлар эҳтирос характериға эға бўлади. Кун тартиби тўғри ташкил қилинса, вақт тўғри таққосланса, ўсмир яхши ўқиш, мактабдан ташқари хилма-хилишлар билан шуғулланиши ва ўйин-қўлгу учун еткарли вақт топа олиши мумкин. Илк йигитлик бўсағасида турган

Ўсмирлар учун кишиларнинг ҳис-туйғулари, кечинмаларига ва айниқса, ўзининг ички дунёсига, ўзини ўзи анализ қилишга мойиллик характерлидир. Ўз-ўзини англашнинг –бу ўзини ўзи таниш, сифат ва камчиликларини, ўз қобилият ва имкониятларини билиб олиш, ўз хатти-харакатлари ҳақида ҳисоб бериш эҳтиёждир. Ўз-ўзини англашнингэнг юқори даражаси ўзининг ҳаётдаги ўрнини аниқ тасаввур қилиш, ўзини шахс сифатида англаб олишдир.

Дастлабки пайтларда унинг ўзи ҳақидаги фикрлари кўп жиҳатдан бошқа кишиларнинг у ҳақидаги фикрларидан иборат бўлади “Ўз характер ҳислатларинг ҳақида сен қаердан биласан “ деган саволга ўсмирлар тўғрилан тўғри ота-оналари ўқитувчилари, ўртоқларидан билиб олганларини айтадилар, аммо кейинчалик буни ўзлари сеза бошлайдилар. Лекин ҳар қалай, ўзларидан кўра бошқа кишиларни олдинроқ баҳолай бошлайдилар. Улар ўз фикрларини ғолиб чиқишини хоҳлашадилар. Ўсмирлар бошқа кишиларни баҳолашда баъзан шошма-шошарлик қилиб, катъий фикр юритишга йўл қўйиб қўядилар. Масалан: улар кўпинча кишиларни фақат айрим хатти ҳаракатлари ва айрим сифатларига қараб баҳолайдилар. Бу баҳони эса бутун бир шахсга нисбатан тадбиқ қиладилар. Натижада кишининг қадр-қийматиға унинг ижобий ва салбий сифатлари ҳақида кўпинча нотўғри хулоса чиқарадилар. Уларнинг ўз-ўзига баҳо бериши ҳам ҳар доим холис бўлавермайди. Масалан: улар ўртоқларинг кўполлиги ёки псмиқлиги тўғрисида гапирадилар-у, аммо буни ўзларида сезмайдилар. Ҳамма ўсмирлар ўсмирлар ҳам ўз-ўзини танқид қилиш, ўз хатоларини виждонан ва рўйи- рост бўйнига олишни урдасидан чиқавермайди. Ўсмир атрофдагиларнинг унга берган баҳосига нисбатан сезгир бўлади. Унинг кайфиятидаги ранжиш, иккиланишнинг сабаби ана шунда. Тасодикий муоффақият ёки катталарнинг мақтаб қўйиши, ўсмирларни ўзига ортиқча баҳо беришига, ўзига ҳаддан ташқари ишонувчанликка, мактончоқликка олиб келади. Хатто вақтинча, тасодикий муваффақиятсизлик ўсмирда ўз кучига ишонмасликна уйғотиш, иккиланиш, қорқоклик, журатсизлик ва уятчанлик хиссини ошириб юбориш

мумкин.Шунинг учун ота-она ёки ўқитивчи ўсмирлар билан бўладиган муносабатда алоҳида эътиборли ва назокатли бўлиши зарур. Ўсмирлик ёшида заиф, мустақил эмас, кичкина деб ном чиқаришнинг кўрқиш хавфи кучаяди.У ўзининг мустақиллигини кўрсатиш учун, ўзининг ноҳақлигини тушуниб турса ҳам, кўпинча қайсарлик ва қўполлик қилаверади. Муомалада дағаллик, талабчанлик ва хурматсизлик ўқувчига ёш болаларга бўлгандай муомалада бўлиш улар яхши тушунаман деб ҳисоблаган мисоллар бўйича ўзларининг мустақил фикрларини айтиш ҳуқиқини менсимаслик уларнинг юқори натижаларга эришишдаги куч ва имкониятларига шубҳаланиш каби ходисалар, одатда ўсмирда норозилик ёки аниқ ифодаланган бошқа бир салбий ҳаракатларни ҳосил қилади.

Ўсмирлар ўз-ўзини тарбиялашга зарурат сезадилар буни улардан онглиликнинг ўсиши, катталарга ўхшашга интилишлари билан тушинтириш мумкин, энди улар маълум даражада ўзини ишонтириш, ўзига буйруқ бериш, ўзини назорат қилиш каби ўз-ўзини тарбиялаш воситаларига эгадилар. Улар айниқса, жисмоний ва ирода сифатларини ўстиришга ҳаракат қиладилар. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўсмирлар жуда содда, болаларча қилинадигон ишларга таяниб (масалан: ўзининг мардлигини ва чидамлилигини синаш учун ёниб турган гугуртни қўлига яқин олиб келадилар ёки ўзларини чиниқтириш учун палтосиз қорнинг устига ётадилар)ҳар доим ҳам ўз-ўзини тарбиялашнинг тўғри йўлидан бормайдилар. Ўсмирликда болаларда бурч ва жавобгарлик туйғулари етарли даражада ўсган бўлади , болалар ўзлари онгли равишда танлаган маълум мақсадга эришиш учун иш-ҳаракатлар қилишга қобил бўлиб қоладилар.Ўсмирда бошқа ёш даврларидан фарқли ўлароқ билиш жараёни ҳам ўзгариб боради. Унинг идроки воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг ташқи томонларинигина эмас, уларнинг анча мураккаб томонларини идрок қилади. У нарсаларнинг моҳиятини билишга, нарса ва ходисаларни таҳлил қилишга, уларни ўзаро таққослашга ҳаракат қиладилар. Мухим ўхшаш томонларини фарқларини аниқ идрок қилади ва бу уларда яхши кўзатувчанлик сифатларини тарбиялашга ёрдам беради.Ўсмир хотираси

сезиларли даражада ўзгаради. Кичик мактаб ёшидаги механик хотира ўрнини мантикий хотира эгаллайди. Ўқитувчи ёш даврига эътибор берган холда ўсмирда шеър ёки текстларни муваффақиятли эсда қолдириш йўллари излаб топиш керак, бир-бирига боғлаб ўрганиш йўллари ўргатиш зарур. Айрим катта кишилар ўсмирлар билан, уларни кичкина бола деб, менсимай муносабатда бўладилар. Уларга илтифотсизлик қиладилар. Бу ўсмирларга каттиқ таъсир қилади. Боланинг катта бўлганлигини англаш, улар билан жиддий муносабатда бўлиш ва унга масъулиятли ишларни топшириш қувонарли нарсадир. Ўсмир иродасини тарбиялаш унинг ўз-ўзини тарбиялашда катта роль ўйнайди. Бунга эҳтиёж ўсмирлик ёшида пайдо бўлади. Ўсмирлар ўз олдида маълум талабларни қўймоғи мумкин, улар ўзларига танқидий қарашга қобилдирлар. Ўзлари идеал деб ҳисоблаган хислатларни тарбиялашга интиладилар. Бироқ киши ўз-ўзини тарбиялашга кейинроқ етуклик ёшида чинакам интилади. Ўсмирнинг ўқиш ва бошқа хилдаги фаолияти қатъийлик кўрсатмасдан амалга ошиши мумкин ҳам эмас. Бошлаган ишни охирига етказишни билиш ва уни талаб қила бориш қатъийликни тарбиялашга ёрдам беради. Қатъийлик зўр бериб фикрлашни, ички интизомликни талаб қилади. Хулоса қилиб айтганда ўсмирлик даврининг психофизиологик ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганар эканмиз, бу давр ўсмир ёшида муҳим давр ҳисобланашига амин бўлдик. Ўсмирлар ўзларини психологик ривожланиш хусусиятлари асосида ўқув фаолияти ва ўз қизиқишлари асосида фаолликка киришадилар. Уларнинг фаолликка ундовчи мотивлари кўпроқ ижтимоий психологик омиллар ҳисобланади. Бу даврда кескин психофизиологик ўзгаришлар содир бўлиши уларнинг ўз “мен” ини устун қўишга, ҳар соҳада ўзини кўрсатишга ва ўз имкониятларини нотўғри баҳолаши асосида турли хатти ҳаракатларини бўзилиш оқибатлари ҳам содир етилиши мумкин.

**1.2. Ўсмирлик даври ижодий фаоллигини шакллантиришда буюк аждодларимиз илмий қарашларидан фойдаланишнинг аҳамияти.**

Халқимиз жуда қадимий, бой-маънавий ва ижодий меросга эгадир. Биз бу ўлмас тарихий меросимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу улкан мерос халқимизнинг озодликка эришишга, мамлакатимиз ижодий мустақилликни кўлга киритишга, замонавий ижодий фаоллигига эга бўлишда, миллатимизнинг ижодий саводхон бўлишида ўзининг беқиёс ва бетакрор манбаи билан хизмат қилиб келмоқда.

Абу Али Ибн Сино «Тиббиёт досто- (В.Муфтайдинов. Шарқ ижодий таълимотлар тарихи. Т.А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти» 2003 йил 38 бет). нида агар хайвонлар табиат неъматларига қаноат қилиб яшасалар, одамларга бу неъматлар озлик қилади, улар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган эҳтиёжларни ўз меҳнатлари билан қондиришлари мумкин деган фикрларни ёзади. Бу билан инсон билиш ва фикрлаш жараёнида фақат табиий эҳтиёжларгина эмас балки маънавий эҳтиёжларни қондириш жараёнида унинг билимларининг аҳамияти катта эканлигини эътироф этади.

Шарқ илмий билиш фаоллиги ривожланишида Юсуф Хос Хожибнинг «Қутатгу билиг» номли тарихий асари алоҳида аҳамият касб этган, Ўрта Осиёда ислом дини юксалаётган, ижодий, маънавий, илмий алоқалар сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар таъсирида нотекис ривожланган даврда яратилган ва бизгача етиб келган бу асардаги ижодий қарашларга тўхталиб ўтамиз. Бу асардаги етакчи ғоя бенуксон, фаровон ҳаётга интилиш бўлиб, бундай ҳаётни яратиш инсонларнинг ўзига боғлиқлиги таъкидланади. Асарда касб-хунар эгаллаш, кучли ижтимоий ҳимоя масалаларига катта ўрин берилган.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» ва бошқа кўплаб асарларида Ўрта Осиёнинг қадимги воқаларида яшаб утган буюк алломаларнинг (Ибн Сино, Фаробий, Беруний, Ал Фаргоний, Ал-Хоразмий, Юсуф Хос Хожиб, Имом Бухорий, Мотрудий, Ат-Термизий ва бошқалар) ижодий тафаккурни ривожлантириш ва илмий билиш фаоллигини ошириш учун катта ҳисса қўшганлиги ҳақида таъкидлаб утилган. Шунингдек, Президент асарлари Ўзбекистонда қабул қилинаётган

Янги қонун материалларини ҳам илм ургатиш ва шу асосда ўсмирлик даврида билимини янада юксалтириш ҳозирги замон талаби ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳам амалиётдаги тадбири деб ҳисобланади.

.Буюк аллома Абу Наср Фаробий: «Инсон мохияти ақлда, ақлнинг мохияти эса ҳаракатда намоён бўлади» деган эди. Бугунги кунда Республикамизда шундай ижтимоий-билиш ва сиёсий муҳит яратилганки, унда ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини истеъдодини эркин намоён этишга шахс сифатида жамиятда баркамол бўлиш имкониятига эгадир, билиш ҳаётда туқ ва бой яшаш, маънавий жихатдан баркамол бўлиши ҳар кимнинг ўзига боғлиқ ва бунда тула шароитлар яратилган. Шундай экан бугунги ёш авлодни янги билим ва янги билиш тушунчалар билан қуроллантиришимиз лозим, шунингдек содир бўлаётган муносабатлар ва жараёнларга қизиқишни кучайтириш уларнинг билиш фаолиятларини янада юксалтириш бугунги кун, бугунги ҳаёт тақозо қилмоқда. Бунинг учун биринчи галда фанларни ҳар томонлама чуқур урганиш заруратини билиш ва ҳис этиш лозимдир.

Шарқ алломаси Ибн Холдун ижтимоий-билиш соҳаларда жуда кўплаб таълимотлар яратган. Унинг қуйидаги фикрини халқ эътиборига қаратсак «иктисодиёт» ижтимоий билиш ҳаётнинг ярмини ташкил этади, қолганини маънавият, адолатлик, софдиллик, виждоний поклик, меҳр-шафқат, ҳалол меҳнат, инсофлилик каби фазилатлар ва сифатлар ташкил этади. Билиш ва маънавий жихатлар сув билан ҳаводек зарурий воситалар («Ибрат» асари 2-қисм, 97-бет).

Ўрта асрнинг буюк комусий олими Абу Райхон Беруний «Хиндистон», «Минералогия», «Доривор усимликлар ҳақида китоб», «Сайдона» каби уйлаб асарларида физика, математика, геодизия, геология, минералогия ва шунингдек ижтимоий гуманитар фанларнинг ривожига ката ҳисса қўшди. Беруний хатто «Одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир» деган фикрни ўртага ташлаган эди. Аҳмад ал-Фаргоний ўрта асрларда



яшаган Ўрта Осиёлик олимлар орасида буюк астроном математик ва географ сифатида солмоқли ўрин эгаллайди.

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда, унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фикрлашдаги индивидуаллик масаласидир.

Инсон мавжуд экан, у инсоният тараққиётининг сабабчиси экан, унинг ҳар куни ва ҳар кунги бажарадиган хатти-ҳаракатлари ва ишларининг асосида, заминида унинг турли-туман хоҳишлари, эҳтиёжлари, орзу-умидлари, тилаклари ётади. Ана шуларнинг орасида энг муҳим ва аҳамиятлиларидан бири – бошқаларга нисбатан ақлироқ, фаросатлироқ ва омадлироқ бўлиш эҳтиёжидир. Ахлу фаросат, унинг ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида фикр билдирган алломаларимиз ҳам унинг тарбияловчи сифатларига эътиборни қаратганлар. Абу Носир Форобий “Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти ҳаракатда намоён бўлади” деганда, инсон ақлу заковати унинг кимлигини билдирувчи асосий мезон эканлигини таъкидлаган эди.

Демак, инсоннинг инсонлигини ифодоловчи ягона мезон ақл-идрок, онг ва фаоллиги даражаси бўлса, уларнинг моҳиятини очиб берувчи, уларнинг миқёси ва кўламига баҳо берувчи бош мезон хатти-ҳаракатлари, амаллари, ҳаётга ва атроф-муҳитга муносабат, ўз-ўзини бошқаришдаги ички қудратидир. Инсонийлик, ақл ва иймон масаласи ўтмишдаги авлод-аждодларимиз назаридан четда бўлмаганлигини “Авесто”да кўришингиз мумкин. Инсоният тараққиёти, унинг абадийлигининг мезони ҳам соғлом, ақлли фикр бўлиб келган, шундай бўлади ҳам. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ақлли кишида учта хислат бўлади, дейишади. Бу – биров нарса сўраса, одоб билан жавоб беради, бировдан ёмонлик кўрса ҳам яхшилик қилади, халқи учун фойдали фикрларни илгари суради.

Абу Наср Фаробийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақидаги ахлокий фалсафий мушоҳадаларида, Ибн Синонинг тиббйётга багишланган асарларида нерв ва нерв йўллари ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Юсуф Хос Хожиб ва Алишер Навоийнинг бир қатор асарларида етук баркамол инсоннинг ахлоки, маданияти, одамларга муносабати, истеъдоди

ва қобилияти туғрисида қимматли мулоҳазалар юритилади. Шундай қилиб, мутафаккир алломаларимиз ақлнинг ана шундай ранг-баранг жиҳатларини ажратиб, улар асосида умуман икки тоифали ақл соҳиблари бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳулоса қилишга имкон бердилар: некбин ақл эгалари ва худбин ақл эгалари. Биринчиларидаги ақл инсониятга эзгулик келтириб, ўз соҳибини ҳам бахтли қилса, иккинчилари – аксинча, ўз манфаати йўлидагина ақл ишлатиб, ўзгаларга зиён етказдилар холос. Маънавий, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида таълим ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги нуфўзини оширишни такозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда ўсмирлик даврини ижодий фаоллик ва билимини шакллантиришга шарқ мутафаккирлари қолдирган илмий меросни ўрни ва аҳамияти бугунги кунда бекиёс бўлиб хисобланмоқда.(У.Полвонов. Шарқ мутафаккурлари асарларида билиш тарбияга оид қарашлар. БМИ ТТДИИ 2003 й. 43 бет).

### 1.3. Ўсмирлик дарида ўқув фаолиятининг ижтимоий психологик хусусиятлари

Маълумки 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисидаги Қонун» қабул қилинди. Унинг II бобида таълим тизими ва унинг турлари аниқ курсатиб берилди. Унга мувофиқ, таълим ўз Давлат тили, дастури ва таълим муассасаларни билан белгиланиб, у ягона ва ўзлуксиз таълим тизимидир. «Таълим тўғрисидаги Қонун»га биноан, болалар ёшлигидан бошлаб то ишлаб чиқариш жараёнида ҳам таълим олиш ҳуқуқига ҳақлидирлар. Умрининг охиригача ҳам инсон воқеликни тинмай ўрганиб боради.

Бу таълим тизими ёшларга билим, қуникма ва малака бериш билан қифояланмай, балки уларнинг комил инсон қилиб етиштириш каби буюк вазибаларни бажаради. Уқувчилар уқиб, уқув фанларининг мазмунини ўзлаштира бориб, объектив оламни билиб борадилар. Улар илмий билимларнинг ҳаммасини эмас, балки уларнинг «фан асослари» деб аталадиган бир қисминигина ўзлаштириб оладилар. Маълумки, одам муайян билим, қуникма, малака ҳосил қилиш учун хулқ-атвор шакллари ҳам урганиб олиши учун, ижтимоий тажрибалардан ташкил топган малакаларнинг асосий хажмини эгаллаб олиш учун у ўқув-тарбия тизимининг турли соҳалари билан машғул булмоғи ва бу ишларга жалб этилмоғи керак. Бундай ходисаларда тегишли бир мазмунни ўзлаштириб олиш бир-бири билан алоқадор булган икки жараён: таълим олиш (ёки ўқиш) ва уқитиш жараёнининг натижаси сифатида зикр этилади. Фан-техника тараккиёти ҳамда ўзлуксиз таълим олиш ғояси амалга оширилаётган бир шароитда таълим инсон социал фаоллигининг предметли фаолиятнинг субъекти ҳамда ижтимоий тараккиётнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини доимий равишда камолга етказишга қаратилган фаол социал фаолиятнинг мустақил шакли сифатидан купрок ахамият касб эта боради.

Таълимда купрок сўзлар-тушунчалар шаклида ифодаланган умумлаштирилган билимлар ўқитувчи томонидан баён этилади, ўқувчилар томонидан эса бу билимлар идрок қилинади, ўзлаштирилади, реал

нарсаларни идрок қилиш эса (нарсаларнинг ўзи, макети, расми ва х.) бунда ёрдамчи роль уйнайди.

Ўқувчилар таълим жараёнида билим, куникма ва малакаларни эгаллаб оладилар. Билимларда объектив олам умумлаштирилган ҳолда акс эттирилади. Билимларни ўзлаштириш фактлар, тушунчалар ва қонуниятларни урганишни назарда тутади.

Ўқувчининг билимлари тула булиши, унинг билимлар тизимини эгаллаб олиши жуда муҳимдир, бу билимлар тизимида фактик материални билиш унинг мантикий жихатдан тўғри деб топилган тўзилиши ва умумлаштирилиши билан кушилиб кетади.

Хар қандай таълим, айниқса ишлаб чиқариш таълими, фақат тасаввур ва тушунчалар тизимининг ҳосил булиши билан чекланиши мумкин эмас. Ишнинг қандай бажарилиши ҳам етарли эмас. Уни бажара билиш керак. Куникма ва малакалар исталган меҳнат турида билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланишга хизмат қилади.

Куникма – кишининг маълум бир ҳаракатларни онгли равишда бажариш қобилиятидир, бу қобилият билимлар ва энг оддий тажриба асосида ҳосил қилинади. Билимлар бажарилаётган ҳаракатнинг назарий асоси ҳисобланади. Билимлар туфайли ҳаракатларнинг айрим босқичлари ва уларнинг кетма-кетлиги тушунарли булади. Куникмалар – бу амалдаги билимлардир. Куникмаларнинг турлари жуда хилма-хилдир.

Малака – машқ қилиш йули билан ҳосил буладиган иш-ҳаракатдир. Машқ қилиш натижасида юриш, уқиш, ёзиш, оғзаки ҳисоблаш, хилма-хил меҳнат операцияларини бажариш малакалари ҳосил қилинади. Ўқувчи ҳаракатни бажаришнинг муайян усулларини эгаллаб олади ва бу ишни гуё онгнинг назоратсиз, автоматик тарзда бажаради. Масалан, механизмни йиғиш учун операциялар кетма-кетлигини тасаввур қилиш, керакли асбобни танлаш лозим. Агар ҳаракат одатдаги бир ҳаракатга айланса, у онгнинг зохирий иштирокисиз бажарилади. Масалан, детални қисқичга қисиш юзасидан қилинадиган ҳаракатларни куп марта такрорлаш ишчини хар доим бу ҳаракатнинг кетма-кетлигини уйлаб кўришдан озод қилади. Ишнинг

мазмунни, шакли ўзгаргандагина одатдаги шароитлари ўзгаргандагина ишчининг онги ишга киришади.

Индивидда жамият томонидан ўша предметлардан фойдаланиш юзасидан қабул қиланган усулларнинг психик механизмлари шакллантирилган бўлмоғи лозим. Агар ўқув фаолияти маънавий маданият мазмунини эгаллаб олишга қаратилган бўлса, ундай ҳолларда индивиднинг шахс онгида тегишли мазмунни қайта тиклаш учун зарур бўлган мукаммал ҳаракат ва операцияларни эгаллаб оломоғи муҳимдир. Чунки, тадқиқотларнинг курсатишича, теварак аторфдаги воқеаликнинг инъикоси инсон билан унинг фаолияти жараёнида объектив реаллик образини киши онгида фаол шакллантиришдан иборат бўлади.

Ўқув фаолияти ўз навбатида бир қанча компонентлардан ташкил топади. Уларни шартли равишда қўзғовчи, программа-мақсадли, ҳаракат-операцион ҳамда назорат қилувчи-мувофиқлаштирувчи компонент деб аталиши мумкин бўлган структурали компонентларга ажратиш мумкин.

Қўзғовчи компонент билишга бўлган эҳтиёжларни ана шу боисда шакллантирилган ўқув мотивларини ўз ичига олади. Янги билимлар олиш эҳтиёжи мотив сифатида кизикиш қуринишида бўлиши мумкин. Ҳар қандай фаолиятнинг, шу жумладан, ўқув фаолиятининг асосида ҳам қўзғатувчи компонент ётадики, у барча компонентларга, уларнинг кечиш динамикаси ва ҳосил қилинадиган пировард натижага ҳам бевосита таъсир курсатади.

Ўқув фаолияти программали-мақсадли компонентнинг асосий элементи сифатида майдонга чиқади, аниқроғи, ўша фаолиятнинг идеал тарздаги пировард натижаси сифатида намоён бўлади. Ўқув мақсадининг мазмуни ҳамда унинг шаклланиш жараёни, аввало, бир катор вазиятларни ўқувчилар томонидан тула англаб етилиши билан белгиланади. Ўқувчининг ўқув фаолияти асосида ётган мотивларни, конкрет шароитда ўқув вазияти (вазифаси), конкрет билим олиш шароитида ҳамда ўз фаолиятини муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун зарур қуликма ва малакаларга конкрет ўқув шароитида қўйиладиган талабларни алоҳида ажратиб курсатиш лозим. Ўз олдига аниқ мақсад қўйиш – ўқув фаолиятини

кенгайтира боришдаги муҳим босқичдир. Пировард натижада мулжалланган аниқ мақсадга эришиш учун ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, бундай мақсаднинг асосини ташкил қилади.

Ҳаракатли-операцион компоненти ўқув фаолиятидаги хатти-ҳаракат ва операцияларни ўзида мужассамлаштиради. Бундай хатти-ҳаракат давомида илгари тўзиб чиқилган дастур амалга оширилади. ўқув фаолияти структурасида перцептив, мнемоник, предметли, нуткли ва аклий фаолият ҳаракатларини ажратиб курсатиш мумкин. ўқув фаолиятининг таркиби, аввало, ўқув материалининг мазмуни, ўқув фаолиятининг мақсади, ўқувчилар томонидан ўқув ишлари усулларининг эгаллаб олиш даражаси муайян педагогик вазиятда ўқувчининг муносабати билан белгиланади. Операциялар ўқув фаолиятини амалга ошириш усули ҳисобланади. Н. Ф. Тализина таъкидлаб утганидек, операцияларни изчил бажара бориш фаолият жараёнини ташкил этади. ўқув фаолиятини амалга ошириш усуллари қараб чиқилар экан, бу ерда Е. Н. Кабанова – Меллер фанга киритган ўқув ишининг усули деган тушунча билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўқув ишининг усули – бу бир катор ўқув ҳаракатларининг йиғиндиси булиб, улар муайян бир тизимга бирлашади. Мазкур тизимнинг ишга солиниши куйилган ўқув мақсадига эришишни таъмин этади.

Ўқув фаолияти билан боғлиқ булган, бу фаолиятни баҳолаш, назорат қилиш ва ўз-ўзини мувофиқлаштириб туриш сингари ўзига хос хатти-ҳаракатларни назорат қилувчи – мувофиқлаштириб турувчи компонентни ташкил этувчи элементлар ҳисобланади. Мана шу ҳаракатлар ёрдамида амалга ошириладиган ўқув жараёнида ҳосил қилинган натижаларни назорат қилиш баҳолаш таъмин этади. Ҳосил қиланган натижаларни фаолиятнинг мақсади ва кундалиқ вазифалари билан таққослаш асосида, агар зарур булиб қолса, ўқув ҳаракатлари тизими коррекция қилинади. Дастлабки босқичларда ўқув фаолиятини ўқитувчи баҳолайди ва назорат қилиб боради. Лекин ўқув фаолияти билан шугулланаётган шахснинг баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ҳаракатларини эгаллаб олиш даражасига қараб бундай

фаолият ўзига-ўзи баҳо бериш ҳамда ўз-ўзини назорат қилиш фаолияти билан алмаштирилади. Бундай ҳолларда ўқиш жараёнида ўқувчилар эгаллаб олган ўқув ишининг усуллари фаолият ориентирлари сифатида майдонга чиқади. Ўқув фаолиятини бошқаришда ўз-ўзини мувофиқлаштириб туриш механизмларининг вужудга кела боришига қараб, дастлабки вақтларда фақат топшириқларни бажариш натижалари асосида белгиланадиган фаолиятнинг самарадорлиги аста-секин фаолият мақсадини руёбга чиқариш учун танлаб олинган усуллар ўша фаолият мақсадига мувофиқ келадими ёки йўқми деган масалага жорий баҳо бериш ишларига кўчириб борилади. Бу тенденция прогноз қилинадиган ўз-ўзини назорат қилишни ривожлантиришга олиб келади ҳамда ўқишни инсоннинг мустакил равишда ўзи ташкил этадиган ва йуналтириб турадиган фаолиятга айланиб боришидан далолат беради.

Индивиднинг ўқув фаолиятини психологик таҳлил қилиш мана шу ўқув фаолият натижаларини ҳам ўз ичига олади. Шахснинг онгида ва унинг ҳулқ-атворида содир буладиган у ёки бу ўзгаришлар ана шу фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Педагогик психологияда ўқув фаолияти натижаларининг моҳияти «таълим» деган тушунча орқали ёритиб берилади. Л. Б. Ительсон таълим тушунчасини «жисмоний ва психик фаолият (ҳулқ-атвор) да содир буладиган барқарор ва аниқ мақсадга қаратилган ўзгаришлар булиб, улар илгари амалга оширилган фаолият (ёки ҳулқ-атвор) туфайли вужудга келади, аммо организмда содир буладиган бевосита тугма физиологик реакциялар орқали вужудга келмайди» деб таърифлайди. Бинобарин, ўқув жараёнини таълимни мақсад қилган фаолият тури сифатида қараб чиқиш мумкин.

Таълим натижалари туғрисида гапирганда конкрет ўқув вазияти шароитида киши эгаллаб оладиган билимлар, қуникма ва малакаларнигина санаб ўтиш билан чекланиб қолмаслик керак. Бундай ҳол шу билан изоҳланадики, бу ерда ўқув фаолиятининг субъекти сифатида муайян психик хусусиятларга эга булган ўқувчининг яхлит бир шахси, бутун бир тизим майдонга чиқади. Маълумки, у ёки бу тизимга ҳар қандай йул билан

таъсир кўрсатилиши бутун системанинг холатида ўзгаришлар содир булишига олиб келади. Шунинг учун ўқув фаолияти натижасида кишида илгари мавжуд булган билимларга, теварак атрофдаги хаётни иникос этиш усулларига унинг харакат дастурларига кушимча тарзда, таълимнинг бошка хар кандай фактлари вужудга келганда содир булгани сингари шахснинг онгида хамда унинг психик хусусиятлари мазмунида хам ўзгаришлар содир булишига олиб келади.

Ана шу хол индивиднинг ўзлуксиз таълим олиш жараёнини шахснинг таркиб топишида, унинг ахлокий киёфаси ва ғоявий эътиқоди шақлланишида мухим омил деб қараш учун асос беради.

Ҳозирги вақтда шу нарса исбот килинганки, эгаллаб олинган билимларнинг шахсга кай даражада таъсир курсатиши ўша билимлар кандай ўзлаштириб олинганига боғлиқ экан. Билимлар турли даражада ўзлаштириб олинган булиши мумкин. Бу эса: а) ходиса туғрисида янги олинган ахборотни илгари мавжуд булган шу хилдаги ахборотга якинлаштириш; б) илгари ўзлаштирилган ахборотни қайта таянган холда воқеа–ходисани баён этиш; в) ходисанинг мохиятини белгилаб берадиган энг мухим хусусиятлар, алоқа ва муносабатлар ўз аксини топган тегишли шунга ўхшаш ходисанинг киши онгида қайта тикланадиган образи (ёки модели) дан фойдаланилган холда содир булаётган воқеаларни изохлаб бериш; г) предмет ва ходисаларни фаолият вазифаларига мувофиқ равишда қайтадан ўзгартириб боришни амалга ошириш ва бунинг учун шу мақсадга илгари эгалланган билимларни ривожлантириб бориш имконини беради. Масалан, материалларнинг пластик хусусиятга эга эканлиги ходисаси тўғрисидаги билимлар, дастлабки босқичда эгаллаб олинганлиги туфайли пластик материални пластик булмаган материалдан фарқлаш имконини беради. Иккинчи босқичда–пластик материалларнинг баёнини бериш мумкин. Учунчи босқичда – пластиклик сабабларини изохлаш, тўртинчи босқичда – ўша материалнинг ички тузилишини зарур тарзда ўзгартириш асосида материалнинг пластиклигини оширишга имкон беради. Биринчи босқичда ўзлаштириб олинган билимлар таништирувчи билимлар, иккинчи



босқичда эгаллаб олинган билимлар нусха кўчирувчи билимлар, учинчи босқичдаги билимлар – куникма билимлари, тўртинчи босқичдаги билимлар – трансформация билимлари дейилади. Ўзлаштириб олинган билимларнинг функционал имкониятлари ўртасидаги фарқлар материалнинг хусусиятига қараб, ўқувчининг ўқув вазиятидаги позициясига қараб – ўқувчида хаётий масалаларни баён этиш, изохлаш ва уларни ўзгартириш усуллари қай даражада шакилланганлигига қараб белгиланади.

Ўқув жараёнида хосил килинган билимлардан ташқари ўқувчи шахсини шакиллантиришга ўқув фаолиятининг ўзи ҳам таъсир курсатади, чунки бу фаолиятни ўзлаштириш ва амалга ошириш ҳам психиканинг муайян даражада ривожланган булишини тақозо этади. Ўқув фаолияти жараёнида ўқувчи ўқитувчи раҳбарлигида ўқув фаолиятининг барча компонентларини эгаллаб олади. Бу ўқувчининг ўқув субъекти сифатида қарор топишига шарт-шароит яратади.

XIX асрнинг 60 йилларида ўсмир даври педагогик психологияси тўла равишда принциплари ишлаб чиқилиши илмий йўлга қўйилди. Комил инсонни шакллантириш учун манна шу даврда ўсмир ёшида болани комплекс ўрганишни илмийлаштирилди.

Болани тўлақонли ривожлантиришга катта урғу берилди. Ақлан бу ишни бажаришда педагогика ёки психология эмас, бошқа фанларнинг роли ҳам қамраб олинди.

Ўсмирлик ёши ривожланишида 3 та фанга таянади:

1. Психология
2. Физиология
3. Логика

Булар қуйидаги фанлар ўртасида боғланиб ўрганилади яъни медицина ва дидактиканинг роли беқиёсдир. Илмий тафаккурни шакллантириш учун катта мактаб ёши ўқувчилари ўқув фаолиятининг характери ва мазмуни, уларнинг табиат ва жамият тўғрисидаги билимларини синтез қилувчи ўқув предметларининг мавжуд бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бирок, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш муҳимки, билимларнинг системалилиги ва

умумлаштирилганлиги, назарий билимларга бўлган қизиқиш, тушуниб тафаккур қилиш қобилиятини ривожланиб бориши, ўқувчиларнинг билиш соҳасидаги фаоллиги – булар дунёқарашни ривожлантириш шартларидандир. Лекин ўз-ўзини англаш теранлиги ва ҳарактери ўзгариб боради. Бунда барча нарсаларни мустақил баҳолашга бўлган интилиш кескин ортиб кетишига эътибор бериш керак. Яна шу нарсага эътибор бериш муҳимки, юқори синф ўқувчисининг нарса ва ходисаларга берадиган баҳоси ҳамда ўзига ўзи берадиган баҳолар ҳам ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди. Бу ерда ўзига ўзи берадиган ноадекват баҳоларнинг оширилган ёки пасайтириб қуйилган баҳоларнинг қайси бири хавфлироқ эканлиги тўғрисида умуман ҳеч нарса деб бўлмайди. Бу ривожланиб бораётган шахсга берилган умумий ҳарактеристика ҳисобга олингандагина тўғри белгиланиши мумкин. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бола ўз-ўзига зиддиятли баҳо берган кезлари унга ҳар-хил педагогик таъсир чоралари қўлланиши зарур. Бундай таъсир чоралари боланинг иззат-нафсига тегмайдиган ва узоқ муддат давом этадиган бўлиши керак.

Ўсмир ёшидаги ўқувчилар назарий тафаккурининг шаклланишида ўқитувчининг кенг қамровли билимга эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг фанга қизиқиши ортишини кучайтиради, фан бўйича тўғарак ва фақўльтатив машғулотларга қатнашиш истагини пайдо қилади. Шунингдек, ўқувчининг мустақил фикрлашини ривожлантиришда, ўқитувчилар, синф раҳбарларининг сиймолари муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчилар ўсмирларда ўрганилаётган нарса ва ходисаларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги, тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари, улардан қаноатланишлари ва уларни исботлашга ўргатиб боришлари зарур. Иккинчидан, фан ўқитувчилари ўз ўқувчиларини нарса ва ходисалар тўғрисида оригинал фикр юритишга йўллашлари керак. Учунчидан, ўқувчиларнинг машғулотларда қўлланавериш, маънавий эскирган бир қолипдаги сўзлардан, иборалардан фойдаланишларига йўл қўймасликлари керак. Тўртинчидан, фан ўқитувчилари ўсмир йигит ва қизларга

билимларини амалиётга тадбиқ қилишни ўргатишлари шарт, бунинг учун уларда амалий малакаларни шакллантиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув режасида кўзда тутилган ўқув фанларига танлаб муносабатда бўлиш хусусиятлари уларнинг келгуси ҳаёт йўлларини қай даражада аниқ танлаб олган бўлишларига боғлиқ, яъни касб-хунар коллежидан кейин қайси йўналиш бўйича, таълимнинг қайси шаклида давом эттириш ёки ишлаб чиқаришнинг қайси соҳасида ишлашни афзал кўришлари билан белгиланади.

Ақл танқидийлиги ўсмир умумий ривожига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўрганилаётган ходиса тўғрисида ҳукм ва хулоса чиқариш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Ўсмир тафаккури сифатини унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги ташкил қилади.

Ўсмир қобилияти, лаёқати ва истеъдоди таълим жараёнида, меҳнат фаолиятида ривожланади. Унинг қанчалик истеъдодли эканлигини аниқлаш учун зийраклиги, жиддий синовга шайлиги, меҳнатга мойиллиги, интилиши, психик тайёргарлиги, мантиқий фикрашнинг тезлиги, изчиллиги, самарадорлигига эътибор бериш керак.

Ўсмир бирор ходисани асослаган, исботлаган пайтларида унинг муҳим хусусиятларига, бирламчи жиҳатларига синчковлик билан қарай бошлайдилар. Дарсликларни ўқиган ва ўқитувчилардан эшитган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларга ишониш ва улардан қаноат ҳосил қилиш учун фаол ҳаракат қиладилар. Тафаккурни оқилона йуллар билан ўстириш учун фавқулודда ҳолатларда ўқувчининг мазкур хусусиятини ёмонламай, балки унинг кичик бўлсада ютуғини рағбатлантириш керак.

Ҳозирги даврда интеллект омили таълим жараёнининг муҳим омилига айланиб бораётганлиги ўқишга муносабатнинг ижобий хусусият касб этишини таъминлашни тақозо қилмоқда. Келажақдаги ижтимоий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи омил - бу ўқимишли, саводхон, иқтидорли, ақлан баркамол ёшларни шакллантиришдир. Ўқувчи ёшларнинг ўқишга муносабати уларнинг қизиқишларида, мотив ва мотивацияларида ўз

ифодасини топган бўлади. Ана шу боисдан ўқув мотивлари ва мотивацияларини тадқиқот қилиш бўлганлиги учун долзарб муаммога айланиб қолди.

Таълим тизимини юксак даражага кўтариш учун ўқувчиларда англанилган, юқори кўрсаткичли, индикатор хусусиятли ўқув мотивини шакллантириш давр талаби. Маълумки, фаолият ва хулқ-атвор мотивсиз, мотивациясиз фаолликка, муайян йўналишга, ўзига хос маҳсулдорликка, муваффақиятга эга бўлмайди. Шунинг учун турли ёшдаги сабоқ олувчиларни мотив, мотивация моҳияти билан таништириш мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини зарурий шarti ҳисобланади..

Бизнингча, ўқув фаолиятининг фаоллиги, ижодийлиги, ностандартлиги, самарадорлиги, билимларнинг пухталиги, мантиқийлиги, изчиллиги ўсмирларнинг мотив ва мотивация билан қуролланганлигига боғлиқ, улар қанчалик англанилган, мақсадга йўналтирилган бўлса, мазкур фаолият шунчалик муваффақиятли амалга ошади, уларни татбиқ этиш осонроқ кечади. Шахснинг фаолияти, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори муваффақияти кўп жиҳатдан йўналтирилганлигига боғлиқ. Ўқув фаолиятини самарали бўлиши таъминлаш учун психотренинглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон психологиясининг охириги ютуқларига асосланган ҳолда яна шундай мулоҳаза ва фикрларни таҳлил қилиш мумкин. Ўқув фаолияти ўсмир ўқув фаолиятининг ҳар хил томонларига (жабҳаларига) йўналганлигидир. Жумладан, унинг фаоллигини ўрганиш объектини ишлашига қаратилган бўлса, бундай ҳолда шахсдаги турли-туман хусусиятли билиш (когнитив) мотивлари ҳақида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ.

Агар ўқувчининг(ўсмир) фаоллиги таълим жараёнида бошқа одамлар билан муносабатга киришишга қаратилган бўлса, бу ҳар хил хусусиятли ижтимоий мотивларни билдиради. Юқоридаги мулоҳазаларга мутаносиб тарзда ўқув мотивлари иккита катта гуруҳга ажратилади:

1. Ўқув фаолиятининг мазмуни ва бажарилиши билан боғлиқ мотивлар.

2. Ўқувчиларнинг бошқа шахслар билан амалга ошадиган ҳар хил ижтимоий ўзаро алоқалари билан боғлиқ бўлган ижтимоий мотивлар.

1. Билишга интилиш ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

а) кенг кўламли билиш мотивлари – бу ўсмир ёки ўқувчи янги билимларни ўзлаштиришга қаратилган ижтимоий муносабатларда акс этади;

б) ўқув мотивлари билимларни ўзлаштириш усуллариغا нисбатан қизиқиш, фаоллик, омилкорлик билан шахсий фаолиятини ташкил қилишда мужассамлашади; в) мустақил ўрганиш мотивлари – бу билимларни эгаллаш усулларини излашда, мустақилликка интилишда, ўзини ўзи такомиллаштиришда учрайди.

II. Ижтимоий психологик сабаблар ҳам ўз навбатида бир неча туркумларга бўлинади:

а) кенг ижтимоий сабаблар – бу кейинчалик ватанга, жамиятга ва бошқа инсонларга фойда келтириш учун билим олишдан иборат бўлиб, интилиш жамият учун ўз бурчини бажаришга нисбатан хатти-ҳаракатлар мажмуасидир;

б) тор ижтимоий ёки позиция сабаблар – у жамиятда ўзининг алоҳида позициясини эгаллашда, ўз мавқеини тиклашга интилиш йиғиндисидир.

Ўқувчилар билан таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилишда энг муҳим талаблар қуйидагилардан иборатдир: барча таълим ва тарбия тизимини йўлга қўйиш учун унинг субъектларда зарурий мотивацияни шакллантириш лозим. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай ташқи таъсир ёки ҳар қандай тарбиявий таъсир, қачонки ўсмирларнинг эҳтиёжлари билан мос келса, ана шу шундагина кутилмаган натижани ёки юксак самарани кутиш мумкин.

С.Л. Рубинштейн бу психологик қонунни мана бундай тарзда образли ифодалайди. Ўқувчиларнинг ҳақиқий ишга тортиш учун шундай қилиш керакки, ўқув фаолияти олдида қўйиладиган масалалар нафақат тушунарли,

балки ичдан қабул қилинган (яъни ўзиники) бўлиши керак. Натижада бу муаммо шахс учун аҳамиятли бўлиб қолади, у масалани ечишда нафақат ақлий жиҳатдан, балки эмоционал жиҳатдан ҳам ҳаракат қилади. Бу билдирилган мулоҳазалар фақатгина ўқув муаммоларига тааллуқли бўлмасдан, балки ўсмирлар ёки ўқувчилар олдига қўйиладиган ҳар қандай топшириқларга боғлиқдир.

В.А. Сухомлинский юқоридаги қонуниятни янада образли қилиб ифодалаб шундай ёзади: “. . . кўпгина ўқитувчилар тарбияланмаганларни тарбиялашга ҳаракат қиладилар. Тарбия эса, энг аввало, одамда тарбияланишга нисбатан қобилиятни ҳосил қилишга қаратилган бўлади . . .”. Ушбу мулоҳазалар негизида бой амалий тажриба ётиши турган гап, чунки шахслараро бир-бирларига таъсир ўтказиш учун у ёки бу шахсда таъсирга берилувчанлик ҳамда уни англаш туйғуси мавжуд бўлиши лозим, акс ҳолда унинг самарадорлиги жуда қуйи, паст даражада акс этиши мумкин. Ўсмирлар билими хаёт тажрибалари билан боғланган бўлиши лозим. Фан асосларини хаёт билан, мустакил ривожланиш амалиёти билан мустаҳкам боғлаб ўрганиш, уни ишлаб чиқиш меҳнати билан қўшиб олиб бориш талаб этилади. Шундагина улар билимларини ошиши ва бойиши учун, шахснинг таркиб топиши учун катта имкониятлар вужудга келади.

Маълумки психологлар психик тараккиётнинг биологик ва ижтимоий муносабатлари муаммоси билан шугулланиш жараёнида психиканинг 4 даражаси асосида шахснинг интеллектуал ривожланишини таъкидлаганлар

- а) мотор реакциясининг ўсиши,
- б) перцептив ҳаракатнинг ўсиши,
- в) шахсий ижтимоий ҳаракатнинг ўсиши,
- г) интеллектуал содда хатти- ҳаракатларнинг ўсиши мавжуд эканлигини асослаган.

А.Н.Леонтьев таъкидлашича чуқур таҳлил қилиш предмети мослашганлик ва ўзлаштиришўзига хос психологик характерни касб этиб у шахс билиш фаолигига таъсири муҳимдир. . Ўзлаштириш инсоннинг хусусиятларининг

тарихий шаклланганидир. Ижтимоий малакани ўзлаштириш жараёни бола фаолиятида вужудга келади. Болани амалий фаолиятда, атрофдаги одамлар билан нутқий мулоқатида билинади. Ўзлаштириш фаолиятининг махсус ташкиллашган эффектив ўқиш деб номланади. Бу жараёнда болага кўникма ва малакалар сингдирилади.

Н.К.Кружкая (1869-1939) ўсмирлар ривожланишини ўрганар экан, у. ўсмир шахси шаклланишини қийин диалектик жараён сифатида қаради. Унинг таъкидлашича, таълим тарбияни тўғри йўлга қўйилганлиги, шундай ўқув жараён ташкилотларига асосланганки, унда таълим олувчилар нафақат билимлар билан бойитилади, балки интеллектуал ақлий ривожини ҳам оширади. ўсмирда қизиқишлар, эҳтиёжлар шахсининг ўзига хос хусусиятлари каби шаклланган бўлиб, у одамларга фойда келтириши керак. Н.К.Кружкая шахсни умумлаштирилган жараён маҳсули сифатида қараб, асосий эътиборни ижтимоий омилга қаратади. У ўсмир психикасини пайдо бўлишини кўзатишнинг объектив бўлишини таъкидлайди. Боланинг ривожланишини ҳар томонлама қараш тизимида ўсмирлар тегишли шаклланишдаги қобилиятли ва қобилиятсизларни фоизларга ажратади.

## **II боб. Ўқув жараёнида ўсмирларда ички мотивация фаоллигини шакллантиришнинг амалий асослари**

### **2.1 Ўсмирлар ички мотивациясининг билиш фаоллиги ва ижодий тафаккур билан уйғунлиги.**

Инсон ўзининг бутун хаёти ва фаолияти давомида объектив дунёни билиб боради. Билиш дунёни инсон онгида акс этишининг мураккаб жараёни бўлиб, у билмасликдан билишга, ноаник ва тула булмаган

билимлардан анча аниқ ва тула билимларга томон ҳаракат қилиш сифатида соодир булади. Билиш теварак-атрофдаги одамнинг нарса ва ходисаларни хиссий идрок қилишдан бошланади. Ташқи оламнинг сезги, идрок ва тасаввурнинг ҳосил булишига олиб келади, булар реал борликдаги нарсаларни инсон онгида акс эттиради. Теварак-атрофдаги оламга муваффақиятли таъсир этиш учун бу олам ривожланишининг объектив қонуниятларини билиш керак. Фақат хиссий билиш ёрдамидагина бу қонунларнинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Абстракт тафаккур табиат ва жамият ҳаёти ривожланишининг объектив қонунларини билишга хизмат қилади. Абстракт тафаккур хиссий билиш ахборотларини умумлаштириб, нарса ва ходисалардаги ҳамма муҳим бўлмаган тасодифий томонлардан ўзқолашади ҳамда нарса ва ходисаларнинг моҳиятига кириб бориб, уларнинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни очиб беради. Умумлаштириш натижалари фан тушунчалари ва қонуниятида ифодаланади. Уларнинг ҳақиқийлиги амалиётда тикширилади, амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини қурсатувчи олий мезондир.

Бирок олимнинг ҳали номаълум бўлган сирларини билиши билан, ўқувчининг фанлар соҳасида баён қилинган билимларни билиши ўртасида катта фарқ бор, яъни олим янгиликни кашф қилади, ўқувчи эса тайёр синалган бор билимларни ўзлаштиради.

Биз юқорида ўсмирлар билиш фаоллигида ва ўқув фаолиятидаги асосий психологик жараёнлар ва тафаккурни индивидуал хусусиятлари ҳамда ушбу жараёнга ҳос бўлган умумий қонуниятларни ўргандик. Лекин аслида мақсад шундайки, ҳар бир шахс ўзидаги тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг ўзига ҳос томонини билган ҳолда уни ўстириш йўлларини билиши керак.

Охириги йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кўзатишлари шуни кўрсатдики, фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида ҳам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг фикрича, гуруҳдаги ҳамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш жараёнини тезлаштиради ва фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жуда жиддий ва



мураккаб ижод дақиқаларини инобатга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нарса исбот қилинганки, жамоада ишлаш кўплаб ностандарт фикрларнинг туғилиши, уларнинг ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларкан.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «брейнсторминг» деб аталиб, унинг луғавий маъноси «мияни забт этиш»дир («мозговая атака» русча - «brain storming» ингл.). Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий фикрловчилар гуруҳи ташкил этилади ва бу жараёнда «группавий эффект» бўлиши кутилади. Гуруҳ иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алоҳида айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

Гуруҳга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдadir мантиқийлик устун, кимдир креатив, кимдир танқидчи ва шунга ўхшаш.

Гуруҳда шундай ижодийлик руҳи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал даражага эга бўлган шахс ҳам шундай фикрлар изхор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

Биз юқорида тафаккурни индивидуал хусусиятлари ва ушбу жараёнга хос бўлган умумий қонуниятларни ўргандик. Лекин аслида мақсад шундайки, ҳар бир шахс ўзидаги тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг ўзига хос томонини билган холда уни ўстириш йўллари билиши керак. Охири йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кўзатишлари шуни кўрсатдики, фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида

хам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг фикрича, гуруҳдаги ҳамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш жараёнини тезлаштиради ва фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жуда жиддий ва мураккаб ижод дақиқаларини инобатга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нарса исбот қилинганки, жамоада ишлаш кўплаб ностандарт фикрларнинг туғилиши, уларнинг ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларкан.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «брейнсторминг» деб аталиб, унинг луғавий маъноси «мияни забт этиш»дир («мозговая атака» русча - «brain storming» ингл.). Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий фикрловчилар гуруҳи ташкил этилади ва бу жараёнда «группавий эффект» бўлиши кутилади. Гуруҳ иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алоҳида айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

Гуруҳга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдadir мантиқийлик устун, кимдир креатив, кимдир танқидчи ва шунга ўхшаш.

Гуруҳда шундай ижодийлик руҳи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал даражага эга бўлган шахс ҳам шундай фикрлар изхор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

## **2.2. Ўқув мотивлари ва уларнинг психологик хусусиятлари**

Психология фанида шахсни ақлий, амалий ҳаракатга ва хулқ-атворини амалга оширишга ундовчи, муайян эҳтиёжларни қондириш билан ўзвий боғлиқ сабабият мотивлар деб аталади. Таърифдан кўриниб турибдики, уларнинг асосий функцияси инсонни ҳаракатга, хулқ-атворни амалга оширишга ундовчи сабаблар (омиллар), ички тўрткилар вазифасини ўташдан иборатдир. Бу ҳолатни ўқув фаолиятига кўчириш учун қуйидаги воқеликни изоҳлаб бериш айни муддаодир: математика дарси бораяпди деб тасаввур

қилайлик, бу жараёнда барча ўсмирларнинг диққати-эътибори дафтарга, берилган топшириқни бажаришга йўналтирилган, унга тўпланган ва марказлаштирилгандир. Уларнинг барчасининг мақсади ягона, у ҳам бўлса кўйилган топшириқ (масала)ни ечишдир. Лекин мақсаднинг умумий бўлишига қарамай, уларда ўқув фаолиятининг мотивлари турли-туман кўринишга эгадир, чунончи:

- 1) “аълочи” ёки “яхши” баҳо олиш;
- 2) ота-онасини ўзи эришган ютуқлари билан хурсанд қилиш;
- 3) ўқитувчининг мақтовига, таҳсинига сазовор бўлиш;
- 4) кўйилган топшириқ (масала) унда қизиқиш уйғотганлиги;
- 5) саводхон бўлиш истагининг мавжудлиги;
- 6) ўқув предметининг ижтимоий ва амалий аҳамитга моликлиги;
- 7) касбий хислатларни шакллантиришдаги ўрни;

8) топшириқни ечишга раъйи йўқ, лекин уни бажаришдан бошқа иложи йўқлиги ва бошқалар. Худди шунга ўхшаган ҳолатлар ўқув предмети материалларини ўзлаштириш фаолиятининг ҳар қайсисида учраши эҳтимолдан холи эмас.

Ўқитиш самарадорлигини оширишни бош мақсад қилиб кўйган ўқитувчи учун ўсмирларнинг ўқув мотивларига нисбатан бефарқлик ҳукм суриши асло мумкин эмас, чунки ҳар қайси сабоқ олувчининг ҳис-туйғуси, ички руҳий кечинмалари, хоҳиш ва истаклари тўғрисида муайян ўқиш мотивлари муаммосини тадқиқот қилган жаҳон психологлари уларни икки категорияга ёки гуруҳга ажратиб текширишни лозим топадилар.

Биринчи категорияга тааллуқли мотивлар ўқув фаолиятининг мазмуни, моҳияти ҳамда унинг жараёнлари, шароитлари билан бевосита уйғунлашгандир.

Иккинчи категорияга кирувчи мотивлар тизими ўсмирларнинг атроф-муҳит билан кенг кўламдаги ўзаро муносабатларига, уларнинг бегона, ўзга

кишилар билан муомалага киришиш эҳтиёжига, ижтимоий турмуш воқелигига нисбатан шахсий қарашига боғлиқдир.

Ўқув фаолияти мазмуни билан ўзвий боғлиқ мотивлар тизимини шартли равишда икки гуруҳга ажратиб, уларни ижобий (мусбат, позитив) ва салбий (манфий, негатив) деб номлаш мумкин. Бундай атамаларни қўллашдан асосий мақсад маҳаллий анъана, ижтимоий тажриба (стереотипизация даражасидаги таъсирчан кучли ташқи омил) экстремал ҳолат таъсирида кескин руҳий бурилишлар яшашга қодир психологик механизмларни аниқлашдан иборатдир. Одатда салбий (негатив) мотивация шундай вазиятда вужудга келиши мумкинки, қачонки ўсмир билимларни ўзлаштирмаслик оқибати қандай кўнгилсиз ҳолатларга олиб келишини англаб етса (жазоланиш, ота-оналар танбеҳи, синфдошлар, эътирози, ёмон баҳо олиш, жамоа аъзолари орасида обрўсизланиш ва бошқалар) ва ана шунга мувофиқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш. Салбий мотивацияга эга бўлган ўсмир ёки ўқувчи камроқ мусибатли (мушқўл аҳвол) йўлни танлаб таълим жараёнида қатнашишда давом этади. Бундай ўқиш мотивациясига алоқадор ўсмирлар ва ўқувчилар юқори кўрсаткичларга, муваффақиятли ўзлаштириш имкониятига эга бўлмайдилар, чунки иштиёқсиз машғулотга, дарсига дарсга қатнашиш туйғуси, билим ва ўқув предметига нисбатан қизиқиши мавжуд эмаслиги бунга маъновий тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида ўзлаштирмовчи, бўш ўзлаштирувчи, суст ўқувчиларнинг сафи тобора кенгайиб боради, бу нарса кундалик одатга айлана борса, у стереотип даражасига ўсиб ўтиши мумкин. Мустақил ва муваффақиятли ўқиш эса шахсдан фаол, қатъий, ижодий изланишларни тақозо қилади ва шунга ўхшаш талабларни ўзлаштирувчи олдига қўяди. Шахснинг мазкур ҳолатларга тайёр эмаслиги, ундаги имкониятларнинг чекланганлиги сабабли ўзлаштирмовчилар қаторини тўлдиришга, бир синфда ёки курсда икки йил ўқишга олиб келади, ўша қийинчиликлар билан ўз синфи, курсини тамомлайди. Бундай тоифадаги ўсмирлар ўқув фаолияти мотивациясини қайта қуриш эвазига ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Ўсмирларда ўқишга нисбатан салбий мотивация бирданига вужудга келмайди, балки уни келтириб чиқарувчи бир неча хусусиятли омиллар таъсир этиши эҳтимол. Маълумки, биринчи синф, коллеж, академик лицей ўқувчилари, ўта кучли хоҳиш, қизиқиш, юксак эзгу ниятлар билан синфга кирадилар. Уларнинг барчасида теварак-атроф ва ижтимоий муҳитда ўз ўрнини ўқувчи сифатида эгаллаш эҳтиёжи мавжуд бўлиб, янги вазиятда муайян фаолиятни амалга ошириш иштиёғини келтириб чиқаради. Янгича вазият, ўзига хос талаб, қоидалар, муносабатлар муҳитидаги ҳоҳ биринчи синф ўқувчиси, ҳоҳ ўсмир бўлишидан қатъи назар уларнинг ҳар қайсиси ўқишга қизиқиб, масъулият сезиб, виждонан, ижобий муносабатда бўлади. Аммо таълим жараёнида ўсмирларнинг айримларида ўқишга нисбатан ижобий муносабат аста-секин сўна бошлайди. Янги муҳит, илм даргоҳларидаги мажбуриятлар, позициялар, қонун-қоидалар ўз аҳамияти, нисбий янгилик хусусиятини йўқота боради, ҳис-туйғуларга сероб, қувноқлар даврасидай тасаввур этилган синф (синф) ғайритабиий кўриниш касб этади.

Ўқишга нисбатан сабоқ олувчилар муносабатини аниқлашга ҳаракат қилган ўқитувчи қандай ўзгаришлар юз бераётганини қайд қилиш учун айрим мезонларни таъкидлай бошлайди:

- а) хаёлпаршонлик вужудга келди;
- б) виждонан ёндашиш йўқолди;
- в) бошқалардан кўчириб олишни одат қилди;
- г) ёлғон сўзлаш ва баҳона қидиришга ўрганди;
- д) дарсларни қолдирадиган бўлиб қолди;
- е) мустақил топшириқларни бажармай қўйди ва бошқалар.

Ўқитувчи ёки ўқитувчилар жамоаси юқорида тахмин қилинган ўсмирлар ёки ўқувчилардаги салбий ўзгаришга нисбатан анъанавий тартиб-интизом методларини татбиқ қилади:

- а) кундаликларга огоҳлантириш ёзиш;
- б) ота-оналарга бу тўғрисида маълумот бериш;
- в) синф раҳбари, мактаб раҳбариятига хабар бериш;
- г) дарсдан кейин олиб қолиб қаттиқ уялтириш;
- д) билим даргоҳидан ҳайдаш масаласини қўйиш

Бундай аниқ воқелик ҳар қандай мактаб, коллеж, академик лицей, олий таълим тизимида юз бериб туради. Бизнингча, жазо чораларини кўришга шошилишдан кўра, мазкур “Муаммони келтириб чиқарувчи омиллар қайсилар?” , “Нега шундай ҳодиса юз берди?” деган саволларга жавоб кидириш одилонга ёндашишдир.

Жумладан, “Ўқувчилар ва ўсмирлар хулқ-атворидаги ўзгаришларнинг қандай мотивлари мавжуд?”, “Ўқишга нисбатан ўзгарувчи муносабатни юзага келтирувчи сабаблар нималардан иборат?”, “Синфда (синфда) ва ундан ташқари у ёки бу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундовчи омил қайси?”

Юқорида таъкидлаб ўтилган муносабат ва хулқ-атвор мотивларини чуқур ва мукамал ўрганмасдан туриб, педагогик таъсир ўтказиш чора ва тадбирларини қўллаш мумкин эмас, чунки мотивни тўртки сифатида намоён қилувчи ички ва ташқи таъсирни аниқламасдан, унга илмий ёндашиб бўлмайди. Психология фанида иккинчи бир йўл бор эканлиги таъкидлаб ўтилади, лекин у бироз мураккаброқ, шунга қарамасдан кўзланган натижани бериш имкониятига эга. Одатда қаттиққўллик (қатъий тартиб-интизомлилик, талабчанлик), адолатсиз жазолаш (қайсики ўқиш мотиви ноаниқ, ўрганилмаган бўлса) шахснинг психикасига зарар келтиради, билим олишга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмайди. қаттиққўллик, ҳаттоки қатъиятлилик энг муҳим фазилят бўлиб ҳисобланади, агарда шахсдаги у ёки бу хусусиятли хулқ-атвор тўрткиси, яққол вазият сабаблари чуқур таҳил қилинса, асосланса. Синф ёки синфдаги машғулотлар, яъни билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган бўлса, лекин улар “ўртамиёна”

шахсга мўлжалланса, у тақдирда бир неча хусусиятли психологик ҳолатларни ёки субъектив кечинмаларни келтириб чиқаради. Оқибат натижада иқтидорли, яхши ўзлаштирувчи, уқувчан ўқувчи ва ўсмирларда ўқишга нисбатан қизиқиш совушига, улар кутган маълумот кўлами, ўзатилиш суръати қониқиш ҳиссини аста-секин йўқолишига олиб келиши мумкин. Маълумотларнинг илмий янгилиги саёзлиги, таълим методининг бир хиллиги, мустақил машғулотлар ўтказилиши бир услубда олиб борилиши сабоқ олувчиларда интилиш ҳиссини пасайтиради, кутилаётган илмий ахборот қониқтирмайди. Орадан муайян вақт ўтиши билан машғулотлардан қизиқроқ, илмийроқ маълумотлар кутиш туради: ўқитувчи ўзлаштирмовчига ишонч билдиради, оқибат натижада уни ўзини ўзи синашга тўртки берувчи нозик механизмни топишга даъват этади, ўз вақтида арзимас ютуқ учун қўллаб-қувватланиш муваффақият гаровига айланади. Бунга қўшимча таъсир этувчи тўртки сифатида эмас, балки у бошқа мотив доирасида ўсади, ўзаро таъсир остида салбий ўқиш мотивацияси ўқувчи (ўсмир)га синф (курс) жамоаси орасида ижобий, ижтимоий-жамоат фикрини уйғотиш юксак кўрсаткичларни келтириб чиқаради.

Ўқув фаолияти мотивларини шакллантириш тартибсиз, режасиз амалга оширилиши мумкин эмас, шу боисдан ушбу жараёни бошқаришни ўқув йилининг дастлабки дақиқаларидан ривожлантириш лозим, чунки шахс улғайган сари унинг ўқув фаолияти мотивлари ҳам ўзгариб боради.

Ҳозирги замон психология фани билимларни нисбатан ички эҳтиёжга катта аҳамият беради ва бу билан хулқ-атворини бирмунча бошқариш имконияти мавжуд эканлигини таъкидлайди. Шунинг билан бирга ўқувчи (ўсмир)да барқарор билишга қизиқишни шакллантириш муаммосига алоҳида эътибор қилинади. Дарҳақиқат барқарор билишга қизиқишлар қўзғатувчи тўртки (куч) сифатида ўқув мотивларини вужудга келтиради, муваффақиятли ўзлаштиришни таъминлашга хизмат қилади. Ўқувчи ёки ўсмирда билимларнинг муайян соҳасига, у ёки бу фаолият турига



қизиқишнинг туғилиши кўп жihatдан шахсни қай тариқа шаклланиш имкониятини белгилайди.

Ана шу боисдан ўқитувчи ўз ўқув фанига нисбатан ўқувчи ва ўсмирларда қизиқишни ўстириш тарафдори бўлиши шарт, чунки худди шунинг негизида ўқув материали ва ўқув дастурини юксак даражада ўзлаштириш муаммоси ётади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, билишга қизиқиш алоҳидалик эмас, балки у бошқа мотив доирасида ўсади, ўзаро таъсир этади, улар билан ўзвий боғланиб кетади.

Маълумки, ўқувчи (ўсмир) билим даргоҳида илм олишдан ташқари тенгдошлари жамоаси ичига кириб боради ва ҳаётида қатнашади, шу боисдан унда ўз ўртоқлари, ўқитувчиларга нисбатан муайян муносабат шакли вужудга келади. Унинг ўқув фаолиятига ундовчи мотивлари билан бир қаторда бошқача хусусиятли хулқ-атвор мотивлари ҳам мавжуддир, жумладан ижтимоий мотив жамоа билан бўлиш истагини англаиб, унинг ҳаётида иштирок этиш хоҳишини ўзида акс эттиради.

Ўқувчи ва ўсмирлар ўқув фаолиятининг ижтимоий мотивлари уларнинг бошқа одамлар билан муомалага киришиш эҳтиёжи билан ўзвий боғлиқ бўлиб, уларни баҳолаш, қувватлаш, тенгдошлари жамоасида муайян жой эгаллаш сингари талабларда ўз аксини топади. Мазкур мотивлаар ўқув фаолиятининг моҳияти билан боғлиқ бўлмай, балки унга ёндош ёрдамчи факторларни англайди. Аммо ушбу мотивлар ўқувчи ва ўсмир ўқишига жиддий тўртки вазифасини бажаради.

Ижтимоий мотивларни таҳлил қилишда давом этсак, улар бевосита жамоа бурчи, қариндошлар ва яқин кишилар олдидаги бурч, ўқишни умуминсоний маданият, қадрият, маънавиятни эгаллаш тасавури билан боғлиқ восита, ушбу восита одамларга фойдали шахс тариқасида намоён бўлиш, ўз имкониятини рўёбга чиқариш, эзгу ниятини ўшатишга интилиш функциясини бажариши мумкин. Тўртки, ундовчи усул вазифасини бажарувчи қўзғатувчи ёш хусусиятлари даврига қараб, у ёки бу даражада акс этади, аммо улар ҳар доим ҳам англашилган шаклга эга эмас, шунинг учун

ифодаланиш даражаси нурсиздир. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида ижтимоий мотивлар англашинилган аҳамият касб этувчи босқичга ўсиб ўтади. Бундай мотивацияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш билан бирга ва бир даврнинг ўзида билишга қизиқишига алоқадор бошқа ўқув фаолияти мотивларини шакллантириш лозим.

Ижтимоий мотивлар ўқувчи ва ўсмирларнинг тор маънодаги шахсий интилишлари билан ҳам алоқадор бўлиши мумкин, жумладан, уларда ўқишга нисбатан қизиқиш йўқ бўлса-да, лекин барча топшириқларни юксак даражада бажаради, чунки ўқитувчи уларнинг “аъло” баҳолаши, синф ёки курс пешқадами қилиб тайинлаши, ҳеч қандай шубҳа билан қарамаслиги эҳтимол. Ўқув жараёни бундай хусусиятли одамларга шахсий муваффақият ёки ютуққа эришишнинг, нуфўз (обрў-эътибор)нинг, яловбардорликнинг бирдан-бир йўли деб тасаввур қилинади. Бундай йўлни танлаш виждонга хилоф хатти-ҳаракатларга олиб боради, шахсни шаклланиш жараёнига салбий таъсир этади. Шу боисдан ижтимоий деб қабул қилинган мотивлар жамоа эҳтиёжини қамраб олади, гоҳо улар шахсиятпарастлик, тор савияли шахс хусусиятини мужассамлаштиради.

Уларнинг ҳаётида ўз тенгдошлари ва дўстлари билан муомалага киришиш, дўстликка содиқлик, берган ваъдаси (сўзи)ни уддасидан чиқиш, ҳамкор бўлиш эҳтиёжи муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитувчи машғулотларда ўқув фаолиятининг зарур мотивациясини шакллантирса, уларнинг мавжуд эҳтиёжларига таяниб иш тутса, ўқувчида билишга қизиқиш барқарорлашади. Мажбур қилиш йўли билан ўқишга ижобий муносабатни вужудга келтириб бўлмайди. Шунинг учун уларнинг олдига ўта аҳамиятли, кенг қўламли мақсад қўйиш, унга эришиш йўлларини босқичма-босқич тушунтириш орқали интилишга тўрткини юзага келтирса бўлади.

Ўсмирлар хатти-ҳаракатининг етакчи мотиви уларни ўз тенгдошлари жамоасида муҳим жой эгаллаш эҳтиёжи ҳисобланиб, улар билан муомала қилиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Агарда кичик мактаб ўқувчиси синфда ўзини қисилгандай нохуш ҳис қилса ҳам бундай ҳолатга кўникиб

кетади, аммо ўсмир хоҳ хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиб, гоҳо унга зид бўлган воситалар ёрдамида ўз эҳтиёжини қондиришга қарор қилади.

Ижтимоий турмуш ва фаолиятнинг кўрсатишига қараганда, ҳар қайси шахсда ўз кадр-қийматини ҳис этиш туйғусини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Шунинг билан бирга ўз хатти-ҳаракати натижасини олдиндан кўра билиш кўникмаси бу борада муҳим тўртки вазифасини бажаради. Педагогик одоб қоидалари ва муомала қилиш, таъсир ўтказиш механизмларига риоя қилиш шахслараро муносабатни барқарорлаштиради.

Шахснинг барча психологик жараёнлари, хусусиятлари, ҳолатлари, ҳодисалари, хоссалари, асосан фаолият доирасида юзага келади (бу ерда онгсизлик, остонглилик ҳолатлари истисно тариқасида олиб қаралмоқда). Худди мана шу сабабдан шахснинг ижтимоийлашуви, унинг хусусияти ва фазилатларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни таъминлаш ўқув фаолияти зиммасига тўшади. Аммо ҳар қандай ўқув фаолияти ҳам уларни ривожлантириш имкониятига эга эмас, агарда у шахсга шуғулланиш хоҳиши ва ундан қониқиш туйғусини вужудга келтирса бундай фаолият ривожлантирувчи функцияни бажарган бўлади.

Билим олувчи ўқувчи ёки ўсмир ўқув фаолиятига нисбатан қизиқиш ҳис қилса, бу борада шахс ўқув материални эгаллашга муайян ютуққа эришса, бундай фаолият билан шуғулланиш истаги туғилади. Мабодо ўқув фаолиятига нисбатан қизиқиш такомиллашиб, турғунлашиб борса, у тақдирда мотивга, кейинчалик мотивацияга ўсиб ўтади, аксинча у бутунлай йўқолиб, сусайиб кетиши мумкин. Ўқишга нисбатан ижобий мотив, мотивацияни вужудга келиши, барқарорлашуви ўқувчи ва ўсмирлар томонидан фан асосларини ўзлаштириш муваффақияти, шахсни шакллантириш гаровидир.

Шунинг учун қизиқиш, шахнинг хатти-ҳаракати ички регуляцияси функциясини бажариб, эҳтиёжни қондириш, хоҳиш-истак, эзгу ният, орзу тилакни амалиётда рўёбга чиқаришнинг бош омили бўлиб ҳисобланади. Ўсмирлар ўқув фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг фанларга нисбатан ва ўқув фаолиятига нисбатан муносабатлари куйидаги жадвалда кўриш мумкин. Ўсмир ўқув фаолиятига йўналтирувчи сабаб ёки мотивлар фақат билимларни ўзлаштириш, ўқув кўникмалари ва малакаларини эгаллаш билан чекланиб қолмасдан, балки шахсни хулқ-атвори, яъни шахсга оид хусусиятларнинг намоён бўлишини ҳам изоҳлашга хизмат қилади.

Ўқув фаолиятинига таъсир этувчи омиллар	СИНФЛАР					
	4-синф		5-синф		9- синф	
	Кўрса тилган % да	Эгал. ўрин	Кўрса тилган % да	Эгал. ўрин	Кўрса тилган % да	Эгал. ўрин
1.Ўқувчи яхши ўқиши кераклигини тушунаман.	9.9	I	8.5	II	7.8	IV
2. Ўқитувчининг барча талабларини тез ва аниқ бажаришга интиламан.	7.7	II	7.1	IV	6.9	V
3. Синф олдида ўқишимга, ўзлаштиришимга жавобгар эканлигимни англайман.	6.7	III	10.8	I	11.7	I
4. Мактабни тугатиб, ўқишни давом эттиришни хоҳлайман.	6.6	VI	7.6	III	9.8	III
5. Келажакда менга билимлар асқотишини тушунаман.	6.3	V	5.5	VII	6.7	VI

6. Юксак маданиятли ва ақл-заковатли бўлишни истайман.	6.1	VI	7.0	V	10.1	II
7. Яхши баҳолар олишни орзу қиламан.	5.8	VII	5.4	VIII	2.4	XVII
8. Ота-онам ўқитувчиларимдан таҳсинлар олишни хоҳлайман.	5.7	VIII	3.5	XV	2.2	XVIII
9. Ўртоқларим мени тўғримда ҳамиша яхши фикрда бўлишларини истайман	5.6	XI	5.9	VI	4.9	VIII
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>
10. Синфда энг аълочи, интизомли ўқувчи бўлишни ҳавас қиламан.	5.1	IX	3.9	XII	3.0	XII
11. Mashғулотдаги жавобларим ҳаммадан пухта бўлишини хоҳлайман.	4.9	XI	4.6	X	2.6	XVI
12. Ўртоқларим орасида арзигулик жой эгаллашни истайман.	4.8	XII	4.7	IX	1.6	XXI
13. Ёмон ўқиганлигим учун синфдошларим муҳокама қилиши ни асло хоҳламайман.	4.3	XIII	2.5	XVIII	2.8	XV
14. Ўқитувчилар ва ота-оналар мендан койишларини истамас эдим.	3.7	XIV	3.7	XIII	6.2	VII

15. Ёмон баҳо олишни сира ёқтирмайман.	3.6	XV	3.4	XVI	3.2	XI
16. Машғулотда миқдор ва сўз тўғрисида сабоқ олиш жуда ёқади.	3.2	XVI	3.6	XIV	3.9	X
17. Янгиликларни эгаллашни ёқтираман.	2.7	XVII	3.0	XVII	1.9	XIX
18. Ўқитувчи қизиқ воқеликлар тўғрисида ҳикоя қилиб берса, у менга ёқади.	2.3	XVIII	1.9	XIX	2.9	XIII
19. Масала (топшириқ)ни турлича усуллар билан ечишга интиламан.	1.9	XIX	1.6	XX	3.6	XI
20. Дарсларда ўйлаш ва фикрлашни севаман.	1.8	XX	4.4	XI	4.6	IX
21. Мураккаб топшириқлар олишни ва қийинчиликларни енгишни орзу қиламан.	1.3	XXI	1.5	XXI	1.2	XX

### **2.3. Ўқув жараёнида мустақил ишлар орқали ўсмирларни ички мотивациясини шакллантириш.**

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари синфхоналарда ўтказилади. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқдорига кўра аввалдан режалаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш амалиёти синфдан ташқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, ўсмирларни дунё қарашини шакллантиришда синфда ўтиладиган дарслардан ташқари ўсмирлар томонидан бажариладиган мустақил ишлар катта рол ўйнайди. Айниқса ҳозирги ахборот асрида борган сари, бир томондан ахборот миқдори, янгиликлар ортиб борса, иккинчи томондан, ахборот олиш манбалари ранг-баранглашиб боради. Уларнинг аҳамияти янада ортиб боради.

Ўсмирлар мустақил ишини ташкил қилиш шакллари турлича бўлиб, уларни бир қисми ўқув кўзда тутилган бўлиб, уни ҳар бир ўсмир бажариши шарт бўлса, иккинчи қисми ихтиёрий, яъни ўсмирлар ўз хоҳишлари билан бажаришлари мумкин.

Биринчи гуруҳга адабиётларни конспект қилиш, дарсларга тайёргарлик ва бошқа шунга ўхшашлар киритилса, иккинчи гуруҳга эса тўғарақларда қатнашиш кабиларни ўз ичига олади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага диққат қаратиш керак:

- А) мустақил иш ўқишнинг, ақлий меҳнатининг алоҳида тури.
- Б) мустақил иш бажариш катта аҳамиятга эга.

Келажакда унинг аҳамияти яна ҳам ортиб боради. Сабаби у ўсмирнинг келажакда малакали мутахассис сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ахборотнинг асосий қисмини ўсмир мустақил равишда олади. Айниқса интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.



Мустақил ишни ташкил этишнинг **энг муҳим хусусияти** шундаки, уни талабининг **ўзи мустақил** равишда ташкил қилади. Шунинг учун ўсмирга уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашга ёрдам бериш лозим.

Мустақил ишни ташкил этишнинг муҳим хусусиятларидан яна бири уни бажариш учун ўсмир ўзини-ўзи мажбур қилиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Ўсмирларни мустақил ишини ташкил этишда ўқишни бошқа шакллариغا ўхшаб умумий принциплари мавжуд. Мустақил ишни улар асосида ташкил қилиш керак. Мустақил ишни ташкил этишда энг аввало, оддий нарсага аҳамият бериш лозим. Бундай қараганда уни ҳамма билади, лекин кўпчилик унга амал қилмайди. Шунинг учун мустақил ишни ташкил этишни оддий элементар принципларини ўзлаштириш биринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараёни тўлалигича камраб олади.

Ҳар бир ўсмир ўзининг мустақил ишини ташкил этишни нимадан бошлаши керак? Қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланилади, аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни ташкил этилди дегани эмас.

Ўз мустақил ишини қандай бажаришни ҳар бир ўсмирнинг ўзи ташкил этади. Мувафақиятга эришиш учун ўсмирнинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан кўрқмай ўз устида ишлаши керак. Бунинг ўсмирнинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ўқув жараёнида қатъий изчиллик ва кетма-кетлик мавжуд. Синфда олган билимини пухта бўлиши учун доимо уларга тайёрланиши керак. Бугунги дарсини яхши тушуниш ва ўзлаштириш учун, аввалги мавзу устида ишлаш керак. Масалани назарий жиҳатдан чуқур ўзлаштирамай туриб масала ечиш, амалда уни қандай намоён бўлишини тушуниш қийин. Ҳар қандай предметни уни мунтазам равишда ўрганилса

Ўзлаштириш мумкин. Яхши ўқиш, мустақил ижодкор мутахассис бўлиш учун ўсмир ҳар куни мунтазам ўз устида ишлаши керак.

Ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш учун мустақил ишларни қандай, қай тартибда бажаришни ҳар қандай меҳнатни, вақтни режалаштиргандай режалаштириш керак.

Ҳар бир ўсмир индивидуал тарзда умумий вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши керак. Фанлар бўйича ажратилган вақт ўсмирни дарсга тайёрланиши, ўқув режаси бўйича фанни мувафаққиятли ўзлаштиришга етарли бўлишини кўзда тутди. Ундан келиб чиқиб, ҳар бир ўсмир ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тўзади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда ўсмирга ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи ўсмирлар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга ҳаракат қиладилар. Ўзлаштириш бўйича ҳатто бутун синф муваффақиятини ҳам кўп жиҳатдан ўсмирларни ўз вақтларини тўғри режалаштириш, уни бажариш билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан ҳоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 13-15 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 8 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари ўзоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда синфда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, синфда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, синфда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт ўсмирни нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда турлича бўлиши мумкин. Бир ўсмир ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси

қизиқиб вақтини қандай ўтганини ҳам унутиб, предметни ўрганишга илҳом билан ижодий ёндашиб киришиб кетади. Учинчиси эса умуман дарс тайёрлагиси келмайди.

Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

3. Мустақил ишни ташкил қилишнинг **иш тартибини белгилаш** катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қондаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ хаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса имтихонга яқин бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиши ижобий натижа бериши қийин. Бу ўсмирнинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда ўсмирнинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса ўсмирнинг ўзига ҳам боғлиқ.

Ўқув фаолияти мотивларини шакллантириш, ўсмир мустақил таълимини ривожлантириш тартибсиз, режасиз амалга оширилиши мумкин эмас, шу боисдан ушбу жараённи бошқаришни ўқув йилининг дастлабки дақиқаларидан ривожлантириш лозим, чунки шахс улғайган сари унинг ўқув фаолияти мотивлари ҳам ўзгариб боради.

Юқорида кўриниб турибдики мустақил таълим ўсмир ўқув фаолиятида муҳим босқичлардан бири ҳисобланиб ўсмирларнинг билишга қизиқиши ни ошишига имкон яратади.

## 2.БОБ юзасида хулосалар

Психологларнинг олиб борган тадқиқотларнинг назарий таъхлили шуни кўрсатадики: ўсмирлар билиш фаоллигини уларнинг ижодий тафаккур билан уйғунлигида кўриш мумкин. Ижодий тафаккур уларнинг креативлик жараёнида яъни аклий тараққиётида бирор кашфиёт яратиш, ёки янгиликка интилишларида намоён бўлади. Бунинг ўзига хослиги шундаки ўсмирлар ўқув фаолиятидаги асосий компонент ўқув мотивларининг шаклланиши ва қизишлари , эҳтиёжларининг кондирилиши натижасида билиш фаоллигини юзага келишидир. Ўсмирлар ўқув мотивлари ва уларнинг психологик хусусиятлари назарий тахли қилар эканмиз ўқув мотивлари ўсмирларнинг ўқишга бўлган муносабатларини аниқлайди ва шунга хос ўқув фаолиятини ташкил этиш икониётларини яратади. Ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда мустақил таълимнинг ҳам роли катта эканлиги яна бир бор таъкидланди. Мустақил таълим ўсмирлар билиш фаоллигини асоидир.

**3- боб. Ёсмирлик даврида ички мотивацияни шакллантириш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг амалий таҳлили.**

**.3.1 Ёқув фаолияти ва ички мотивацияни ўрганиш усуллари ва бошланғич тажриба натижалари.**

Олиб борилган тажрибаларда Казанцева Г.Н. томонидан қўлланилган методикани шароитга мувофиқ тарзда ўзгартирилиш, вазиятга мослаштириш орқали татбиқ қилиб кўрилди. Ёқувчиларнинг ўқишга муносабатини аниқлаш учун (“Нега сен ўқимоқчисан?”) мотивлар (сабаблар) тизими муайян кетма-кетликда улар диққатига ҳавола қилинди: 1)Бу менинг бурчим; 2)Саводхон бўлишни хоҳлайман; 3) Ўз Ватанимга фойдали фуқаро бўлишни истайман; 4)Ўз синфимга панд беришни хоҳламайман; 5)Ақлли ва салоҳиятли (билимдон) бўлишни истайман; 6) Чуқур ва тўлақонли билимларни эгаллаш учун; 7) Мустақил ишлашга ўрганиш учун; 8) Ҳамма ўқигани учун мен ҳам ўқимоқчиман; 9)Ота-оналарим мажбур қилишади; 10) Яхши баҳо олиш ёқади; 11) Ўқитувчи мактови учун; 12) Ўртоқларим мен билан шуғулланишлари учун; 13) Ақлий савиямни кенгайтириш учун; 14) Синф раҳбарим мажбур қилади; 15) Шуғулланиш мароқли.

Синалувчилар билан “Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг ўқув мотивациясидаги роли” мавзуда суҳбат – баҳс ўтқазилди ва у қуйидаги режа ососида амалга оширилди:

- 1.Ўқишда ўз имкониятингизни тўла ишга сола олдингизми?
- 2.Ўз қобилиятингиз доирасида қайси ва қандай шароитда ўқий оласиз?
- 3.қандай шароитлар ва вазиятлар ўқишга нисбатан мойиллигингизни барбод қилади?
- 4.Ўқитувчи фаолияти билан шахси ўзаро қандай боғлиқликка эга?
- 5.Сиз қандай мисоллар келтира оласиз?

6. Ўқув фани мазмунига қизиқиш ва яна қандай омил билан боғлиқ бўлиши мумкин?

7. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ўқув фаолияти фаоллашуви учун етарлими?

Табиий эксперимент методини қўллашда А.В.Буровнинг “Ўқув мотиви даражасини ўрганиш” методикасидан фойдаланилди (инглиз тили материалларида). Тадқиқот олдидаги асосий мақсад – инглиз тили дарсларида айрим ўқув мотиви фаоллигининг сабабларини аниқлашдир. Бундан шундай илмий тахминлар келиб чиқиши мумкин: 1) ўқувчилар вазиятларни танлашда (енгил, мураккаб, ўртача) мураккаб топшириқни афзал кўриш, унга ортик аҳамият бериш ҳоллари учрайди, яъни кўпроқ фаоллик, кучли ақлий зўр беришлиқни талаб қилиш асосий мезон ҳисобланади. 2) мотивлар фаоллиги уларнинг процессуал механизми (билим, кўникма, малака) ривожини ва эгаллаганлик даражасига боғлиқдир.

Экспериментда синалувчиларга икки хил вариантли (А ва В) топшириқ ечиш (бажариш) талаб қилинди. Ҳар қайси топшириқ варианты 3 хил матнда тўзилган бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси бир хил ҳажмдаги материални таржима қилишни, енгил, мураккаб ва ўртача даражани тақозо қилар эди. Синалувчилар учта топшириқдан 6 тадан то 18 баллгача тўплаши лозим эди, чунки юксак мотивировка 17-18 баллни, ўртача мотивировка 13-16 баллни ва қуйи (паст) мотивировка 6-12 баллни ташкил қилиши шарт эди. Танловнинг мураккаблик даражасини ўзлаштириш кўрсаткичи орқали амалга оширилди. Тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш жараёни иккита мезон билан ўлчанди: а) ўқувчилар топшириқларнинг мураккаблик даражасини қайси томонларига кучли эътибор берадилар; б) улар ўз имкониятларини топшириқ танлаш чоғида қиёслаб оладиларми ёки йўқми.

Синалувчиларнинг билишга қизиқишлари ва мотивларини қуйидаги схема орқали аниқлашга ҳаракат қилинди:

1. Ўқув фаолиятида билиш фаоллигини пайдо бўлиш хусусияти.
2. Машғулот давомида уларнинг реакциялари (қизиқиш кўрсаткичи, ўқув мотиви).
3. Таълимда ўқувчининг чалғиши
4. Ўқувчининг когнитив мотивацион ҳаракатлар уйғотиши.
5. Ўқитувчининг билишга қизиқиш ва ўқув мотивларини тормозлаш ҳаракатлари.
6. Машғулотларнинг ўқувчиларни билишга қизиқишига ва ўқув мотивига таъсири .

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, уларда синалувчиларда ўқишга ижобий муносабати мавжуд бўлса, қуйидаги гуруҳга мансуб мотивни англаб етар эканлар: қизиқарли ўқитиш (ўқитувчи фаолияти ва шахсиятига қизиқиш, ўқув фанига нисбатан билишга қизиқиш); шуғулланишга мойиллик ; билимларнинг инсон учун зарурат эканлигини тушуниб етиш; мотивнинг касбий қизиқиш билан алоқаси; баобрў, нуфўзли кишиларнинг таъсири кабилар. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 65 нафар ўқувчидан 26 таси, яъни уларнинг 40% алгебрани ёқтирадиган ўқув фани сифатида танлаганлар.

#### Ўқувчиларни ёқтирган фанлар

Фан номи	Ўқувчилар сони	% ҳисобида
Алгебра	26	40
ЭҲМ	22	34
Инглиз тили	22	34
Физкўльтура	12	18.4
Адабиёт	15	23
Биология	22	34
Геометрия	11	17

Физика	15	23
--------	----	----

Бу психологик воқеликни аксарият ўқувчилар мана бундай тушунтиришга ҳаракат қилдилар: “Мен алгебрани жуда ёқтираман, сонларни ҳисоблаш жуда қизиқарли, уларни ўзгартириш, функциялари ва қийматлари ҳақида маълумот олиш мароқлидир. У инсонни изланишга, фикрлашга ўргатади ва мавҳум сонлар дунёсига олиб киради”. Синалувчиларнинг 22 нафари қарийб 34%и биология фанини бошқалардан афзал кўришликни, ёқтиришни намойиш қилганлар. Уларнинг мулоҳазаларига кўра “...Биология жуда қизиқарли. У инсоният ва ҳайвонот оламини ўрганади, турмуш ва табиат муносабатини тушунтиради, мураккаб, лекин керакли қонуниятлар бўйича маълумот беради. Илмий билимлар билан қуроллантиради...”. Ҳозирги замон ижтимоий талаблардан келиб чиққан ҳолда синалувчилар информатика ва инглиз тили фанларига мойил эканликларини кўрсатганлар, ҳар иккаласига 22 нафар ўқувчилар (34%) ижобий муносабат билдирганлар. Уларнинг фикрича, бозор иқтисодиёти компьютернинг аҳамияти, чет эллар билан алоқанинг кучайиши халқаро тил бўлмиш инглиз тилини эгаллашни тақозо қилади. Гоҳо улар чет элларга ўқишга бориш, ажнабийлар билан учрашиш, сафарга чиқиш учун ҳар иккала фан муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида маълумот бердилар. Уларнинг мазкур фанлар билан шуғулланишга даъват этувчи мотивлар тобора барқарорлашаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Жадвалдан кўриниб турибдики, бир қатор фанларга бўлган қизиқиш пастроқ, чунки уларнинг мавқеи болаларча мушоҳадада камайиб бораётганга ўхшайди, аслида эса ундай эмас, маънавият талаби комилликка интилиш бу воқеликка акс маълумотларни намоеън қилмоқда. Натижалар шундан далолат бермоқдаки, билиш эҳтиёжини қониқтирмаслик, ўқувчиларда зерикиш туйғусини, апатия ҳолатини вужудга келтиради, натижада уларни қизиқтирмаган фанларга нисбатан салбий муносабат пайдо бўлади, баъзи бир сабабларга кўра, у тобора кучайиб боради.



### 3.2. Олинган натижаларни таққослаш , психологик таҳлили ва умумлаштириш.

Ўқувчиларда фанларга нисбатан ижобий муносабатни келтириб чиқарувчи мотивларни акс эттирувчи маълумотлар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топди.

Ўқишга ижобий муносабат мотивлари

Мотивлар	Ўқувчи сони	% ҳисобда
қизиқарли ўқитиш (ўқитувчига муносабат)	19	39.2
Фанга нисбатан қизиқиш (билишга оид)	37	60.7
Мароқлилиқ	18	28
Билимлар заруриятини англаш	21	32.3
Касбий қизиқиш билан алоқа	15	23
Нуфўзли, баобрў кишилар таъсири	2	3
Тушунтириш қийин	1	1.5

Миқдорларнинг таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, билишга қизиқиш, ўқишга нисбатан ижобий муносабатдан ташқари, ўқув мотиви учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатлардан бири-бу билимлар заруратини тушунишдир. Чунки ўқувчилар учун билимларнинг турмушдаги аҳамиятини тушуниб етиш, англаш жуда муҳим, айниқса уларнинг шахс сифатида шаклланишига ижобий таъсири, маданий савиясини ошириш, ўқимишли бўлишнинг ўрни юксак кўрсаткичга эга. Бу омиллар уларда ўзини ўзи англаш жараёнини жадал суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Натижада уларда бир катор фанлар билан шуғулланишга онгли муносабат пайдо бўлади, оқибатда дифференциал муносабат тамойили бироз бўзила бошлайди.

Кўриниб турибдики, билишга оид мотив устувор кўрсаткичга (37 нафар 60,8%) эгадир. Бунинг бош омили билишга нисбатан онгли муносабат шаклланганлигидир. Баъзи бир синалувчиларнинг мулоҳазасига кўра, инглиз тилига қизиқиш, у билан шуғулланиш мотиви жуда эрта юзага келади, бунга ота-оналар уларни болаликдан ўргата борадилар. Худди шу боис фанга нисбатан ижобий муносабат, у билан мукамал шуғулланиш хоҳиши эрта уйғонганлиги туфайли англаш даражаси даврдан илгарилаб кетади.

Тажрибанинг иккинчи топшириғи ўқишга нисбатан салбий муносабатни аниқлашга қаратилган эди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари натижаси ушбу жадвални вужудга келтирди.

#### Ўқишга салбий муносабат мотивлари

Мотивлар	Ўқувчилар сони	% ҳисобида
Предмет мазмунига қизиқишнинг йўқлиги	16	24.6
Ўқув жараёнига қизиқиш мавжуд эмаслиги (зерикарли, мароқли эмас)	13	20
Муваффақиятсизликни англаш ва унга қайғуриш	8	12.3
Турмушда билимнинг асқотмаслигига эътиқод	3	4.5
Ёмон баҳо	4	6.16
Ўқитувчининг ўқувчиларга ёмон муносабати	21	32.3
Ўқув материални мураккаблиги	13	20
Тушунтириш қийин	8	12.3

Ўқувчиларда ўқишга салбий муносабатнинг пайдо бўлиши омилларининг энг муҳими-унинг мазмунига қизиқишнинг мавжуд эмаслиги (16 нафар – 25%), ўқитувчининг ўқувчиларга муносабати, яъни шахслараро муомала заифлиги, ҳамкорликнинг етишмаслиги (21 нафар – 32%). Ушбу мулоҳазани далиллаш мақсадида синалувчилар мулоҳазасидан бир нечта парча келтириб ўтамиз: “Чет тилини ёқтирмайман, чунки ўқитувчи хатти-ҳаракати феълимни айнитади”, “География қизиқ фан эмас, турли мамлакатларни ҳеч қачон ўрганишни хоҳламайман”, “Рус тилини ёқтирмаслигимга сабаб ҳамиша матнни қуруқ ёд олишдир”. Ўқувчилар ўзларининг ўқишга нисбатан салбий муносабатини асослаганда (мотивировка қилганда) ўқув жараёнига қизиқишларининг камлиги, ўқув материалларининг мураккаблиги каби мотивларга мурожаат қилганликларнинг гувоҳи бўламиз.

Олинган натижалар таҳлилига қараганда, ўқувчиларнинг ўқишга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатларида муҳим тафовут мавжуддир. Ёзма ишларида улар 2 та ёки 3 та муҳим ижобий мотивларни таъкидлашга муваффақ бўлган бўлсалар, салбий муносабатни билдирувчи мотивлар ундан ҳам кам миқдорда изоҳлаб берилгандир. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби – ўқувчилар томонидан ижобий мотивларнинг мумкин қадар пухта англашиниши, фаоллик касб этишидир.

## Хулоса

- Илмий мавзунинг назарий ва амалий тахлиллари асосида ўсмирлар ўқув фаолияти ва билиш фаоллигини ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- -Ўсмирлар ўқув фаолиятига ижтимоий психологик таъсирлар уларни ўз-зини идрок қилиши ва ўқишга муносабат мотивларини шакллантиришга асос бўлар экан;
- . Ўсмирлик даври ўқув фаолияти ва билиш фаоллигини ривожлантиришда психологик омиллар билан бирга ижтимоий омиллар таъсири асосий эканлиги тасдиқланди;
- Таълим муассасаларида ўтказиладиган психодиагностик текширув асосида юзага келадиган аниқ психолого – педагогик тавсиялар ишлаб чиқилди;
- Билиш фаоллиги орқали ички мотивацияни шакллантириш ўсмирлар қизиқишлари ва эҳтиёжларининг ёшга хос психологик хусусиятларига боғлиқ холда шаклланади.Бунга уларнинг ўқув мотивлари ва уларнинг ривожлантириш учун таъсир этувчи омиллар асосий рол ўйнар экан;
- Ўсмирлар фаолиятида уларнинг муносабат ва хулқ-атвор мотивларини чуқур ва мукамал ўрганмасдан туриб, педагогик таъсир ўтказиш чора ва тадбирларини қўллаш мумкин эмас, чунки мотивни тўртки сифатида намоён қилувчи ички ва ташқи таъсирни аниқламасдан, унга илмий ёндашиб бўлмайди;
- Ўқув фаолияти мотивларини шакллантириш тартибсиз, режасиз амалга оширилиши мумкин эмас, шу боисдан ушбу жараёни бошқаришни ўқув йилининг дастлабки дақиқаларидан ривожлантириш лозим, чунки шахс улғайган сари унинг ўқув фаолияти мотивлари ҳам ўзгариб боради.

## Тавсиялар

-Мустакил билим ўсмирларга алоҳида бир кувонч бағишлайди ва унинг тафаккур қилиш лаёқатини ривожлантиради.

-Ўқиш ўсмирлар ҳаётида катта ўринни эгаллайди. Уларнинг ўқишдаги асосий мотиви катталикларини ҳис эттирадиган англатадиган ўқиш турларига тайёрланишларидир. Уларга машғулотларнинг асосан мустақиллик бериладиган шакиллари кўпроқ ёқади ва маъқуллигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ўсмирлик даврида ўқишнинг чин мотивлари юзага келади. Бу мотивлар асосан ўсмирнинг ҳаётий режаларини, келажакда эришадиган касби ва идеали билан боғлиқ бўлади. Айнан шу даврдан бошлаб болаларда ҳаётий, илмий, бадиий билимларни кенгайтиришга алоҳида эҳтиёж сезила бошлайди ва бола шунга қарата ҳаракатлар қилади.

- Ўқувчиларга бериладиган ўқув материалларининг ҳажми катта бўлгани учун ҳам уни эслаб қолиши ёки бир неча мартаба такрорлаш йўли билан ўзлаштириши қийин. Шунинг учун, албатта ўқувчи ўқув материалларини мазмунини таҳлил қилиши ундаги мантикий тўзилишни билиши муҳим. Турли ёшдаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини билиш, уларга индивидуал ёндошиш, ҳар бир болада шахсни кўра билиш, уни ҳурмат қилиш ҳамда тан олиш орқали ўқув тарбия ишларини режалаштириш ва олиб бориш бугунги кун ўқитувчисининг асосий иш мазмунини ва моҳиятини ташкик этиши мақсадга мувофиқ.

## **Фойдаланган адабиётлар рўйхати.**

### **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:**

1.«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 1997. 29 август. – 7 б.

2.Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т., 1997. 29 август. 9-10 б.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**

3.«Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли қарори.

4.«2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

5.Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марраралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 10 феврал.

6.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, –96 б.

7.Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.– 323 б.

8.Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.– 351 б.

9.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

10.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999. –241 б.

11.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсаўасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон

## Дарсликлар ва кўлланмалар

- 12.Ғозиев Э., Тошимов Р. Менежмент психологияси. – Т.. 2001. – 130 б.
- 13.Хайитов О.Е., Лутфуллаева Н.Х. Психодиогностика ва амалий психология. Ма’рўзалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005. – 338 б.
- 14.Хайитов О.Е., Лутфуллаева Н.Х., Хайдарова Х.Р. “Психодиогностика ва амалий психология” курси бўйича ижтимоий-психологик тренинглари, психологик масалалар, топшириқлар ва тестлар тўплами. – Т., ТДИУ. 2005.
- 15.Каримова В.М. Психология. Ўқув кўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 205 б.
- 16.Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт: Университетлар ва педагогика институтлари учун ўқув кўлланма. – Т.: “Университет”, 1999. – 96 б.
- 17.Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 1-қисм. Ма’рўзалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005. – 208 б.
- 18.Каримова В.М., Акрамова Ф.А. “Психология”. 2-қисм. Ма’рўзалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005. – 125 б.
- 19.Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т.: 1994
- 20.Е.Ғозиев. Тафаккур психологияси. Тошкент. "Ўқитувчи". 1990.
- 21..Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. "Ўқитувчи", Т., 1992.
- 22.В.М.Каримова, Ф.А.Акрамова. Психологя. Т., 2ШЮ.
- 23.В.М. Каримова ва б.қлар. Мустақил фикрлаш. — Т., 2000.
- 24.В.Каримова, Р.Суннатова. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий кўлланма - Т., 2000.
25. Э.Ғозиев «Психология» Т., 1994 й.
- 26.Э.Ғозиев «Олий мактаб психологияси» Т.. 1997
27. Г Давлетшин. Таълимнинг психологик асослари. Тош. 1990 й.

### Монография ва илмий мақолалар:

- 28.Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. – Т., 2001.– 121 б.
- 29.Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. – Т., 2001.– 241 б.

- 30.Гозиев Э.Ф. Хотира психологияси. – Т., 2000.– 254 б.
- 31.Д.Тожибоева. Касбий фанларни ўқитиш методикаси. Т., 2003.
- 32.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши “Насаф”, 2000.
- 33.Хўжаев Н ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. Т., 2002.
- 34.Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. Т., 2004
- 35.Хўжаев Н. ва бошқалар. Таълим назарияси. Т., 2003.
- 36.Э.Ф.Гозиев.Умумий психология.Тошкент.2010

#### **Газета ва журналлар:**

- 37.Халқ таълими. //Журнал. 2005 йил 1-2 сонлари.
- 38.Таълим ва тарбия. //Журнал. 2005 йил 3-4 сонлари.
- 39.Оила. //Журнал. 2005 йил 1-4 сонлари.
- 40.Мақтаб ва хаёт журнали 2007 йил 2-3 сонлари

#### **.Интернет сайтлари**

[www.inetlibrary.com](http://www.inetlibrary.com). Интернет-кутубхона

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

[www google. uz](http://www.google.uz)

. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)

. [www.psychology.all.ru](http://www.psychology.all.ru)

. [www.psychology.net.ru](http://www.psychology.net.ru)

. [www.psy.piter.com](http://www.psy.piter.com)

#### **XIV.Электрон дарслик ва ўқув қўлланма.**

. Очилова Г. Педагогика. Т.: 2005

Хайитов О.Э. Психодиагностика. Т.: 2005

Ғ.Шоумаров. ва бошқалар.” Оила психологияси “2005



## ИЛОВАЛАР

Ўсмирлар ўқув фаолиятидаги асосий фанлар

1-жадвал

Фан номи	Ўқувчилар сони	% ҳисобида
Алгебра	26	40
ЭҲМ	22	34
Инглиз тили	22	34
Физқўлтура	12	18.4
Адабиёт	15	23
Биология	22	34
Геометрия	11	17
Физика	15	23

## Ўсмир интелектуал сифатлари

Кўзатувчанлик	Мантиқийлик	Ижодкорлик	Тахлилий ва умумлаштирувчи фикр юрита олиш	Мантиқий фикр юрита олиш
Асосланганлик	Башоратлилик	Танқийдийлик	Хабардорлик	

**Ўсмирлар ўқув фаолияти ва билиш фаоллигини шакллантириш  
асослари**

ИЖТИМОИЙ - ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР	ТАДБИРЛАР	НАТИЖА
<p>Ўқув машғулоти , ўқитвчи ва ўқувчи хамкорлик фаолияти таълим-тарбия. тизимининг илмий-назарий асослари, маҳалла, мактаб, оила.ўсмирлар психологик хусусиятлари , ташки психологик таъсирлар.</p>	<p>1. Ишлаб чиқарилган таълимни гуманитарлаштириш, инсонпарварлаштириш 2. Таълим ва тарбиянинг ўзвийлигини таъминлаш 3. синфда дарс жараёнида, синфдандан ташқари маҳаллада ёшлар ижтимоий ҳаракатида воситаларндаги таълимнинг уйғунлигини таъмилаш. 4. Ёшлар маънавиятини босқичма-босқич шакллантириш (мактабгача тарбия, мактаб, ўрта махсус, касб-хуиар таълими.)</p>	<p>Хар томонлама ривожланган, баркамол шахс 1. Интеллектуаллик (бил имдонлик) 2. Ватанпарварлик 3. Хулқ, одоб 4. Хукўқий маданият 5. Эстетик (нафосат) тарбияланганлик 6. Экологик маданият 7. Инцэормацион маданият 8. Оила маънавияти 9. Маҳалла маънавияти 10. Мустақил фикрловчи ижодкор шахс 11. Тадбиркорлик кўникмалари 12. Академик ҳаракатчанлик (мобильность)</p>

**Ўсмирлар ўқув фаолиятини ташкил этишдаги фанларга нисбатан  
муносабат мотивлари  
(салбий ва ижобий)**

Ўқув фаолиятининг ижобий муносабат мотивлари

2- жадвал

Мотивлар	Ўқувчи сони	% ҳисобда
қизиқарли ўқитиш (ўқитувчига муносабат)	19	39.2
Фанга нисбатан қизиқиш (билишга оид)	37	60.7
Мароқлилиқ	18	28
Билимлар заруриятини англаш	21	32.3
Касбий қизиқиш билан алоқа	15	23
Нуфўзли, баобрў кишилар таъсири	2	3
Тушунтириш қийин	1	1.5



## Ўқув фаолиятининг салбий муносабат мотивлари

3- жадвал





Мотивлар	Ўқувчилар сони	% ҳисобида
Предмет мазмунига қизиқишнинг йўқлиги	16	24.6
Ўқув жараёнига қизиқиш мавжуд эмаслиги (зерикарли, мароқли эмас)	13	20
Муваффақиятсизликни англаш ва унга қайғуриш	8	12.3
Турмушда билимнинг асқотмаслигига эътиқод	3	4.5
Ёмон баҳо	4	6.16
Ўқитувчининг ўқувчиларга ёмон муносабати	21	32.3
Ўқув материални мураккаблиги	13	20
Тушунтириш қийин	8	12.3

**1-расм.**

Салбий ва ижобий мотивларнинг ўсмир билиш фаоллигини шакллантиришдаги таъсирининг кўриниши



## Мустақил таълимни ташкил этиш ва унинг самарали натижалари диограммалари



## Тестлар.

### СИЗ ҚАНЧАЛИК ИЖОБИЙ ТАФАККУРГА ЭГА ЭКАНСИЗ?

*Ҳа-2 балл*

**Йўқ-0 балл**

**Ишончим комил эмас-1 балл**

1. Сиз ўзингизни ўз ёшингизга қараганда ёшроқ сезасизми?
2. Сиз ўзингизга етарли даражада ишонасизми?
3. Сизни мажбурий меҳнат толиқтирадимми?
4. Сизга классик мусиқа ёқадими ва руҳлантирадими?
5. Сиз ёлғизланиш фикрига қаршимисиз?
6. Сиз қадирсизланишдан ҳолимисиз?
7. Сизга баъзан ҳамма нарса мумкиндек туйиладими?
8. Сиз кўп ҳолларда ўз ташаббусингиз билан куйиб пишасизми?
9. Сизда олдинга қўйилган мақсадни эгаллашга интилиш борми?
10. Сизда ноқулай ҳодисалар тизимини синдира олиш ҳолати мавжудми?
11. Бошқалар сизни ҳаракатчан куч-қудратга тўла деб ҳисоблайдимми?
12. Сизда аҳён-аҳёнда ҳафалик ва маъюслик ҳолатлари бўладими?
13. Сизга ўзингиз банд бўлган нарсангизни тез-тез ўзгартириб туриш хосми?
14. Сиз кўп ҳолларда ўзингизни хўзур-халоватда ҳис қиласизми?

**17 баллдан ортиқ-балл** тўпласангиз у ҳолда сиз етарли даражада ижобий тафаккур эгасиз. Бу жуда яхши натижадир. Чунки ҳаётга бундай муносабатлар билан ўз тақдирингизни бахтли ва бошқа одамларга нисбатан кўпроқ имкониятга эга бўласиз. Шунини ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бу нарсага фақат машаққатли меҳнат ва одамийлик билан эришилади.

**17 баллдан кам-тўпласангиз** у ҳолда сизни ўраб турган дунёга бўлган муносабатларингизни яна бир кўришингизга тўғри келади. Лекин бу сиз ҳар

доим омадсизсиз ва сиз ҳар доим омадсизликка учрайверасиз дегани эмас. Шунга қарамасдан сиз ўзингизни салбий ҳиссиётлар билан курашиш йўлини топишга урининг. Агар уддасидан чиқсангиз, ишларингиз доим беш бўлади.

### **1. Психологик муҳит яратиш технологияси.**

а) «Вазият», «Психик» тушунчалари. Ижтимоий психологик муҳит гуруҳига ижтимоий психологик алоқалар йиғиндиси сифатида қараш.

б) «ҳолат» тушунчаси. Гуруҳда муҳит билан атмосферанинг мослиги.

в) Гуруҳда муҳитни аниқловчи муносабатлар (Шахсга, ишга, гуруҳга, воқеликка)

г) Ҳайрихоҳлик — муҳитга педагогик баҳо бериш мезони. Психологик муҳитнинг таъсир этиш воситалари: мусика, дизайн, диққат, белгилари, интерьер, табиат.

д) Баҳолашнинг техник ва технологик қонунлари.

е) Муҳит ва анъаналар.

ё) Гуруҳ меъёрий психологик муҳитнинг асосий шахси.

### **2. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш технологияси.**

а) Фаолият муносабатини намоён бўлиши. Предметли тарбиявий натижа.

б) Гуруҳли фаолиятни ташкил этишда ўқитувчининг вазифалари (фанни чуқур билиши, боланинг фикрини ривожлантириш)

в) Биргаликда ва алоҳида олиб боришга фаолият ва уни амалга ошириш механизми.

### **3. Муваффақият ва муваффақиятсиз ҳолатларни ташкил этиш технологияси.**

а) Фаолият ва шахс ривожи «Муваффақиятли ҳолат» тушунчаси. Боланинг иш хусусияти ва унинг муваффақиятли натижа олиш таъсири. Муваффақиятли ҳолатларни вужудга келтиришда психологик муҳитнинг аҳамияти.

б) Муваффақиятли ҳолатлар яратиш технологияси: қўрқишни йўқотиш яшириш инструкция, мотивларни олиб кириш, фаолликни сарбадор қилиш.

в) «Муваффақиятсиз ҳолат» тушунчаси, унинг шахси, унинг тутган ўрни, ўқитиши, фаолиятнинг чекланганлиги ёрдам сўраганга қаршилиқ, педагогик ишонтириш, ўқувчиларнинг паст баҳоси ва ҳокозолар.

#### **4. Ўқувчининг ҳатти-ҳаракатига педагогик реакция қилиш технологияси.**

а) Ҳатти-ҳаракатларга педагогик реакция қилишда педагогик технологиянинг қўшимча ва асосий элементларни ҳаракат уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари.

б) Педагогик функциялар: ҳатти-ҳаракатларини педагогик интерпритациялаш, ҳатти-ҳаракатларини ижтимоий меъёрлари, асосида қиёслаш, таққослаш, негизи ҳатти-ҳаракатларни таҳлил этиш.

#### **Брейнстроминг ва уни ўтказиш технологияси.**

Мунозаралар юритишнинг яна бир шакли борки, унинг номини рус тилида «мозговая атака» инглизча-«брейнсроминг» деб аталади. Бизнинг тилимизда бу тушунчанинг аниқ анологик таржимаси йук, лекин уни «мияга хужум» ёки «фикрлар тукнашуви» деб аташ мумкин. Методнинг психологик мохияти шундаки оддий мунозарада бахслашувчилар купрок онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат киладилар. Бунда эса бахслашувчиларга мияга қандай фикр қуйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, «тилга нима келса» айтиш имконияти берилади. Бу нарса купрок муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ булган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда «эркин ассоциациалар»га йул берилади ва охир оқибат гуруҳнинг ўзи маълум рационал «магзни» ажратиб олади. Бу усулни биринчи марта Америкалик олим А. Олборн 30- йиллардаек таклиф этган ва йирик лойиҳаларни режалаштириш ва олдиндан унинг натижаларини башорат қилишда маълум ютуқларни қўлга киритган эди. Лекин кейнчалик мутахасислар уни фақат ностандарт, ўзига хос ечими булган вазифаларни муҳокама қилгандагина қўллаш мумкин, деган фикрни билдира бошладилар.



Бирок тўғри ташкил этилган брейнсромингнинг амалий афзалликлари куп. Факат бунда куйидаги коидаларга риоя қилиш керак:

1. Жумлалар жуда киска булиши керак, лекин уларни асосланиши шарт эмас.
2. Хар кандай жумла ёки фикр танкид килиниши мумкин эмас, яъни фикрлар танкиддан холидир.
3. Мантикий фикрдан кўра, фантастик ёки қўққисдан, тасодифан мияда пайдо булган фикр мухимрок.
4. Фикр ёки билдирилган киска мулохаза кайд этилади.
5. Билдирилган фикр ёки ғоялар у ёки бу иштирокчини, деб ажратилмайди, яъни улар- муаллифсиздир.
6. Фикр ёки яхши ғояларни танлаш алохида «танкидчилар» ёки гурухнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади. Юкоридаги гурух катта булганда бахс уюштиришда хам генераторларга ушбу усулда имкон бериш тажрибада яхши натижалар беради.

Брейнстроминг, айникса 50-йилларда Америка ва Франция давлатларида турли технологик муаммоларни хал қилишда кенг қўлланилган ва унинг натижалари куплаб макола ва китобларда умумлаштирилган. Лекин оммавий қўллашда айрим тортишувлар пайдо булдики, айникса ёшлар аудиториясида уни ишлатишдаги ноқулайлик борлиги аник эди. Аммо барибир, юкорида таъкидланганидек кишиларни фаол ижтимоий психологик мулокотга тайерлаш, ностандарт муаммоларни ечиш ва одамни умуман гурухга куниктириш максадида ундан фойдаланиш мумкин ва бу жихатдан катор афзалликлари ва тадбикий ахамияти мавжуд.

## Билиш фаоллигини аниқлаш

